

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК

ЮСУПОВА УМИДА

**ТУРИЗМ СОҲАСИДА РЕЖАЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИ (САМАРҚАД ШАХРИ МИСОЛИДА)**

5А610302 – “Туроператорлик хизматини ташкил этиш”

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар иқтисод фанлари доктори

профессор Тухлиев И.С.

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш

Боб 1.Туристтик хизматларни режалаштиришнинг назарий масалалари

- 1.1. .Режалаштириш жараёнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни
- 1.2. Туристтик хизматларни режалаштиришнинг назарий ва услубий асослари
- 1.3. Ўзбекистонда туризм соҳасини режалаштиришда ҳисобга олинadиган асосий йўналишлари

Боб 2.Туристтик хизматларни режалаштириш жараёнинг ҳозирги ҳолати

- 2.1. Туристтик хизматларни режалаштириш талабларини амалга ошириш
- 2.2. Самарқанд шаҳрида туристик хизматларини режалаштиришнинг мақсадини белгилаш

Боб 3.Туристтик хизматларни режалаштириш жараёнини амалга ошириш йўллари

- 3.1. Туристтик хизматларни бошқариш ва режалаштириш жараёнлари
- 3.2.Номавсумий паллада туристик талабларни режалаштириш механизми
- 3.3.Турли мамлакатларда туристнинг соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида туризм соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш зарурати тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасидаги сиёсат Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мамлакатимизда туризмни бошқариш ва режалаштириш органлари тизими яратилган ва фаолият кўрсатиб келмоқда. Туризм соҳасида марказий давлат ижроия ҳокимияти органи сифатида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси белгиланган.

«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг қарорлари мулкчилик шаклидан қатъий назар туризм фаолияти билан шуғулланувчи тузилмалар учун бажарилиши мажбурийдир. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг кадрлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Туризм соҳаси мураккаб мажмуа тизимдан иборат бўлиб, у ўз таъсир кучи остига иқтисодиётнинг турли тармоқларини жалб қилади. Шу билан бирга 1990 йилга қадар кўпгина давлатлар туризмни режасиз ривожлантириб келганлар ва унга жамиятнинг умумий иқтисодий ривожланиши, деб қаралган. Тажриба шуни кўрсатдики, туризмни назоратсиз, тасодифий ривожланиши кўпгина экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни вужудга келтирди, бу ўз навбатида атроф-муҳитнинг таназзулига ва миллий ўзликнинг йўқолишига, туристлар оқимининг камайишига, оқибатда иқтисодий йўқотишга олиб келди.

Режалаштириш жараёнининг муҳим қирраси стратегия ва режа тавсияларини амалга ошириш услубларини аниқлаш ҳисобланади. Бунинг учун аввалдан уни бажариш йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш зарур. Кейинги пайтларда махсус тушунтирувчи ҳужжатлар тобора кенг тарқалмоқда. У режани амалга оширишдаги изчиллик бўйича раҳбарий кўрсатма ҳисобланади.

Шу билан бирга туризмни режалаштиришда салбий таъсирларнинг олдини олишга ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларини бажаришга қаратилган ҳолда айтиб ўтилганидек барқарор ривожланиш тамойиларига мос ҳолда олиб борилади. Туризм миллий, минтақавий, маҳаллий даражаларда, шу билан бирга «дестинация» режасига ёки «туризмни ривожлантириш минтақаларига» мувофиқ режалаштирилиш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012–2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда кўп қиррали имкониятларни яратди. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш туризм соҳаси олдида турган режалаштиришни амалга ошириш жараёни долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Режалаштириш жараёнини кўпгина муҳим назарий ва амалий муаммолари маҳаллий даражада ва хорижий илмий адабиётларда ўз аксини топган. Хусусан, Р.Акофф¹, Ю.И.Ансофф², Дж.Гэлбрейт³, У.Кинг, Д.Клиланд⁴, Г.Кунц⁵, М.Мескон⁶, Ф.Хедоури каби иқтисодчи-олимларнинг асарлари шулар жумласидандир. Ушбу муаммолар юртдошларимиз А.Ф.Расулев⁷, Р.А.Алимов⁸, Н.Т.Тухлиев⁹, М.Қ.Пардаев¹⁰,

¹ Акофф Р. Планирование будущего корпораций. – М.: Прогресс, 1995. – 324 с.

² Ансофф Ю.И. Стратегическое управление. / Сокр. пер с англ. – М.: Экономика, 1999. – 519 с.

³ Гэлбрейт Дж. Новое индустриальное общество // Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1999. – 480 с.

⁴ Кинг У., Клиланд Д. Стратегическое планирование и хозяйственная политика. – М.: Прогресс, 1992. – 398 с.

⁵ Кунц Г., О-Доннел С. Управление: системный и ситуационный анализ управленческих функций. Том I / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1991. – 493 с.

⁶ Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: пер. с англ. – М.: Дело, 1992. – 702 с.

⁷ Расулев А.Ф. Жаҳон инқирози шароитларида миллий иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш / ЎзФА, Иқтисодий ин-ти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. – 408 б.

⁸ Алимов Р.А., Курбонова Д.М. Жаҳон инқирози сабоқлари: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг салбий таъсирларини бартараф этишнинг ўзбек модели / Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш / ЎзФА, Иқтисодий ин-ти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. – 408 б.

⁹ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. – Т.: Гос. науч. изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 424 б.

¹⁰ Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – С.: СамИСИ, 2006 – 137 б.

И.С.Тухлиев¹¹, Ф.К.Комилова¹², Б.Х.Тураев¹³, Т.Абдуллаева¹⁴, З.О.Рахимов¹⁵, каби қатор иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган.

Туризм соҳасининг ривожланишини режалаштириш масалалари етарли даражада илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда туристик бозор иштирокчилари томонидан амалий хусусиятга эга илмий тадқиқотларга юқори талаб диссертация мавзусининг аҳамияти ва ўз вақтида танланганлигини белгилайди. Айнан шу ҳолат диссертация мавзусининг долзарблигини, тадқиқот объектини ва предметини танлаш ҳамда унинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мавзу бевосита республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига тўғри келади. Тадқиқот иши Самарқанд иқтисодиё ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан бевосита боғланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида туристик хизматларни режалаштириш жараёнини амалга оширишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишида тадқиқот мақсадининг амалга оширилиши учун қуйидаги вазифалар қўйилди ва амалга оширилди:

- Режалаштириш жараёнининг бозор иқтисодиётидаги ўрни аниқлаш;
- Туристик хизматларни режалаштиришнинг назарий ва услубий асосларини белгилаш;
- Ўзбекистонда туризм соҳасини режалаштиришда ҳисобга олинадиган асосий йўналишларини белгилаш;

¹¹ Тухлиев И.С. Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. Дарслик. - Т.: "Iqtisod-Moliya" нашриёти, 2010. – 238 б.

¹² Комилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ 2007. – 192 б.

¹³ Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан, 2009. – 154 с.

¹⁴ Абдуллаева Т., Тухлиев Н. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Т.: Гос. науч. изд-во "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2006. – 414 с.

¹⁵ Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизминини такомиллаштириш. Ном.диссертация. СамИСИ, 2012.

- Туристтик хизматларни режалаштириш талабларини амалга ошириш йўллари аниқлаш;
- Самарқанд шаҳрида туристик хизматларини режалаштиришнинг мақсадини белгилаш;
- Туристтик хизматларни режалаштириш жараёнини амалга ошириш йўллари белгилаш;
- Туристтик хизматларни бошқариш ва режалаштириш жараёнларини белгилаш;
- Номавсумий паллада туристик талабларни режалаштириш бўйича тегишли тавсиялар тайёрлаш

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот *объекти* туризмни барқарор ривожланишини таъминлайдиган Самарқанд шаҳар туристик мажмуаси ҳисобланади.

Тадқиқот *предмети* туризмда режалаштириш тизимни ташкил қилиш, дестинацияларда туризмни ривожлантиришдаги режалаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш муносабатлари ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Иқтисодий ва бошқарув жараёнларини тадқиқ этиш, қиёслаш, тизимли ёндашув, мантиқий статистик таҳлил, социологик сўров ва эксперт баҳолаш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг меъёрий ва йўриқ ҳужжатлари, шунингдек, тадқиқот ишида мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялари ва уларда қўлланилган услубий тамойиллар асос қилиб олинди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий натижалари 11 та ишда эълон қилинган бўлиб, шундан ОАК томонидан эътироф этилган журналларда 3 та илмий мақола чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, **72 бет, 12 та жадвал, 17 та расм ва 5 та иловаларни ўз ичига олади.**

Диссертациянинг кириш қисмида танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган.

“Туристтик хизматларни режалаштиришнинг назарий масалалари” деб номланган биринчи бобда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида режалаштириш жараёнининг бозор иқтисодиётидаги ўрни очиб берилди, туристик хизматларни режалаштиришнинг назарий ва услубий асослари ёритилди, Ўзбекистонда туризм соҳасини режалаштиришда ҳисобга олинган асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

“Туристтик хизматларни режалаштириш жараёнининг ҳозирги ҳолати ” номли иккинчи бобда туристик хизматларни режалаштириш талабларини амалга ошириш таҳлили, Самарқанд шаҳрида туристик хизматларини режалаштиришнинг мақсадини белгилаш каби масалалар ёритилди.

“Туристтик хизматларни режалаштириш жараёнини амалга ошириш йўллари” номли учинчи бобда туристик хизматларни бошқариш ва режалаштириш жараёнлари асослари ва номавсумий паллада туристик талабларни режалаштириш механизми ҳамда турли мамлакатларда туристнинг соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тавсия қилинди.

Ишнинг якуний қисмида ўтказилган тадқиқотлар юзасидан илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Боб 1.Туристтик хизматларни режалаштиришнинг назарий масалалари

1.1.Режалаштириш жараёнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни

Экспертларнинг баҳолашича, XXI асрда жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч туризм соҳаси бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Бугунги кунда фойдалилиги бўйича туристик хизматлар экспорти ва импорти жаҳон маҳсулот оборотида учинчи ўринни эгалламоқда ва дунё ички ялпи маҳсулотида ўндан бир қисмини ташкил қилмоқда. Иқтисодий фаолиятнинг кўплаб соҳалари учун туристик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти нақадар катталигини баҳолаш қийин. Туризм ташқи иқтисодий алоқаларда алоҳида ўрин тутди. Ундан олиндиган даромадлар хорижга маҳсулот ва меҳнат ресурсларини чиқармай туриб чет эл валютасини олишнинг муҳим усулларида бири ҳисобланади. Туристтик бизнесни «валютанинг кўринмас экспортчиси» деб аталиши бежиз эмас. Туризмдан олиндиган маблағ тушумлари даромадга айланади ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида айланишда давом этади.

Энг йирик юқори даромадли ва энг динамик тармоқлардан бири бўлмиш, даромадлилиги бўйича фақат нефть қазиб олиш ва қайта ишлашдан кейин турадиган туризм, Бутунжаҳон туристик ташкилотининг(БТТ) тахлилига кўра сайёрамиз ишлаб чиқариш-сервис бозорининг 10 % ини таъминлайди. Дунё ички миллий маҳсулотининг 6%, жаҳондаги инвестицияларнинг 7%, дунё истеъмол харажатларининг 11 %, бутун солиқ тушумларининг 5–6%, ҳар 16- ишчи ўрни мана шу меҳмондўстлик соҳасига тўғри келади. Келтирилган рақамлар туризм соҳаси фаолият кўрсатишнинг бевосита самарасини тавсифлайди.

Соф иқтисодий самара билан бирга, бу соҳа инсон ҳаётининг қайта тикланиши ва ўз бўш вақтидан оқилона фойдаланишини таъминлайди. Илмий-техник тараққиёт бир томондан жисмоний чарчашнинг камайишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан асабий зўриқишларга олиб келмоқда. Шу муносабат билан дам олишни режалаштириш ва ташкиллаштиришнинг роли ошиб бормоқда.

Бутунжахон туризм соҳасини ташкилоти (БТТ) бўйича Гаага декларацияси 1989-йилда биринчи мартаба туризмни қишлоқ хўжалиги, саноат, таълим, ижтимоий таъминот сингари устувор йўналишлар каби мамлакатни комплекс ривожлантириш режасининг таркибий қисми сифатида чора-тадбирлар қабул қилиш зарурлигини белгилади. Шундай қилиб бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолият каби туризм расмий равишда тармоқ сифатида тан олинди ва давлат тамонидан эътибор қилиниши таъкидланди.

Ҳозирги шароитда бу тармоқнинг аҳамияти ва унинг халқаро, жумладан ҳукуматлараро ва шахслараро муносабатларга таъсири ҳам доимий равишда ўсиб бормоқда. «Туризмни авваламбор мамлакатлар ва китъалар ўртасидаги муносабатлар жиҳатидан олиб қараш керак. Халқаро туристик алоқалар қанчалик мунтазам тус олаверса, жаҳон иқтисодиёти шунчалик олдиндан башорат қилиниши, дунё конъюнктураси эса шунчалик барқарор бўлиши мумкин».

Туристтик бизнес ҳар қандай давлат, вилоят, туманнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодчиларнинг баҳоларига қараганда, ундан олинадиган пул тушумлари бир йил давомида 3 мартадан беш мартагача муомалада бўлади. Катта маблағлар талаб қилишига қарамай, туризм соҳасига капитал қўйиш анча фойдалидир, чунки бу маблағлар нисбатан тезроқ ўзини оқлайди, бундан ташқари кўпроқ хорижий валютада сармоя келтиради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда туризмдан олинадиган тушумлар юқори суръатлар билан кўпайиб бормоқда.

Бутун жахон туризм ташкилотининг (БТТ) башоратига қараганда, жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан кейин халқаро туризмдан олинадиган даромадларнинг умумий ҳажми яна катта суръатлар билан ривожланади. Шуларни ҳисобга олиб туризм соҳаси мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этишини ва у XXI аср жаҳон хўжалигининг устувор тармоқларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Туризм соҳаси фаолиятини ривожлаштиришни муваффақиятли бошқариш, жамиятда юз берувчи ҳар хил жараёнларни тартибга солиш учун барча бошқарув субъектлари ўз олдига қўйган мақсадларини белгилаб олиши керак бўлади ва бу мақсадга эришишни таъминлайдиган илмий асосланган тадбирларни тайёрлаш зарурияти пайдо бўлади. Ушбу қўйилган муаммоларни ҳал қилиш бевосита режалаштириш жараёнида ҳал этилади. Мустақилликка қадар иқтисодиётда соҳалар ривожланишини қатъий равишда белгиловчи умумдавлат режалаштириш тизими мавжуд эди.

Бозор муносабатларига ўтгандан кейин вазият тубдан ўзгарди. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик субъектлари фаолиятини маъмурий, буйруқбозлик тизими орқали режалаштириш мутлақо тўғри келмайди. Тижорат ташкилотларининг хўжалик фаолиятлари фақат мамлакатдаги мавжуд қонун ва шартнома шартлари билан белгиланади. Шунинг учун қонуний равишда қуйидаги саволлар вужудга келади: бозор иқтисодиёти билан режалаштириш жараёни ўртасида уйғунлик борми? Давлат ўз функцияларини бажаришда ва хўжалик субъектлари фаолиятини ташкил қилишда бу жараён қай даражада зарур?

Режалаштириш жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, кишилар онгли тарзда ҳаракатларининг мақсадини аниқлайдилар ва мавжуд ресурсларига қараб иш тутадилар, бунда улар ташқи муҳитнинг бевосита ва билвосита таъсирини ҳисобга оладилар. Замонавий цивилизация тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, ҳар бир меҳнат жараёнига хос бўлган режалилик жамиятнинг тараққий этиши, тақсимот даражасининг ошиши ва меҳнат кооперациясига қараб ривожлана боради. Шундай қилиб бошқариш, демак унинг функцияси бўлган режалаштириш ҳам моддий бойлик ва хизматларни ишлаб чиқаришни амалга оширишда жамият ва унинг алоҳида тизимлари учун ички хусусият ҳисобланади. Бозор хўжалигида макроиқтисодий режалаштиришга бўлган эҳтиёжни қуйидаги объектив ҳолатларда ифодалаш мумкин:

1. Эркин бозор механизмнинг миллий иқтисодиёт макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда ишлаб чиқариш ва хизматларнинг даврий

ўзгарувчанлигини, ялпи даромадни, тўла бандликни энгишдаги қобилиятсизлиги.

2. Истеъмолнинг умумий ҳажмида жамоа ёки умумий истеъмол ҳиссасининг мунтазам ўсишида товар ва ижтимоий истеъмолни оддий бозор механизми билан эмас, балки давлат бошқаруви орқали йўлга қўйилади. Бу ҳолда бозор муносабатидан ташқари механизмлар орқали тақсимланадиган давлат ресурслари мажмуининг улуши ҳам ортади.
3. Ўзаро алоқада бўлувчи хўжалик субъектлари ва иқтисодиётнинг янги соҳаларининг пайдо бўлиши ҳамда интеграцион жараёнлар натижасида анча мураккаб ва ўта муҳим шаклларнинг юзага келиши (масалан, туризм, сервис соҳаларининг тармоқ сифатида пайдо бўлиши).
4. Замонавий глобал муаммоларнинг чуқурлашуви, молиявий иқтисодий инқироз, атроф-муҳитнинг ёмонлашуви, табиий ресурсларнинг камайиши, озиқ-овқат муаммолари каби масалалар бозор муносабатлари эмас, балки давлатнинг аралашуви билан ҳал бўлади.
5. Режалаштириш соҳасида фаолиятни кучайтирувчи фавқулодда вазиятлар (уруш, иқтисодий тангликлар, табиий офатлар ва унинг оқибатларини тугатиш зарурияти) юзага келиши.

Режали бошқаришнинг марказий вазифаси бўлиб, амалий фаолият мақсади ва унга эришиш йўлида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Режалаштириш функцияси қуйидаги саволларни аниқлашни талаб қилади.

- қўйилган мақсадга эришиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошириш керак;
- ушбу ҳаракатлар қачон амалга оширилиши керак;
- улар қандай кетма-кетлик асосида амалга оширилиши керак;
- бу ҳаракатларни ким амалга ошириши керак;
- қандай воситалар орқали;
- қандай ресурслар билан;
- қандай кўрсаткич ва самарадорлик билан.

Мухутнинг ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида режалаштиришнинг объектив зарурияти қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

- бошқарувчи объектларнинг мураккаблик даражасининг ошиши;
- аниқ бўлмаган воқеа ва ходисаларнинг кўпайиши;
- ташқи муҳитнинг динамик характерга эга бўлиши;
- мулк шакилининг ўзгариши ва кўпукладли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида мулкдорнинг ўз фаолити натижалари бўйича маъсулиятнинг ошиши;
- хизматлар ва товарларнинг маънавий жихатдан эскириш суръатларининг ошиши;
- рақобатбардошлик курашининг кризис ҳолатларида бозор иқтисодиёти ўзини бошқараолмаслиги.

Режани амалга оширишнинг узвий таркибий қисми унинг қуйидаги йўналишлар бўйича бажарилишини назорат қилиб бориш ҳисобланади: туристик келишлар сони ва хусусияти; туристларнинг қоникқанлик даражаси; туризмнинг ҳам умумий, ҳам алоҳида аниқ лойиҳаларга нисбатан иқтисодий, экологик ва ижтимоий-маданий таъсири.

Режадаги тадбирларни амалга ошириш муддатларига қатъий амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда математик услублар ва компьютер техникасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Узлуксиз бошқариш ҳақида ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак. У қуйидагиларни қамраб олади:

- бозорлардаги ўзгараётган тенденцияларга ва маҳсулотларнинг эволюциясига мослашиш;
- объектлар ва хизматлар сифатини қўллаб-қувватлаш ва ошириш;
- ижтимоий ва географик жихатдан туризмнинг фойдасини доимий равишда ошириб бориш;
- муаммолар юзага келиши билан уларни ҳал қилиб бориш ва бошқалар.

Шундай қилиб, туризмнинг барқарор ривожланиши учун режаларда ишлаб чиқилган тадбирларни аниқ бажариш ва ушбу жараённи самарали бошқариш талаб этилади.

1.2. Туристтик хизматларни режалаштиришнинг назарий концепциялари ва услубий асослари

Туристтик хизматларни режалаштиришнинг муҳим назарий концепцияларига қуйидагилар киради:

- туризмни комплекс тизим сифатида режалаштириш;
- унинг барқарор ривожланишини режалаштириш;
- истиқболга мўлжалланган ва стратегик режалаштириш;
- туризмни режалаштиришда маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчиликнинг иштироки.

Режалаштириш методологиясининг асосини ижтимоий маҳсулотни қайта ишлашнинг ҳам умумий, ҳам ўзига хос иқтисодий қонунлари ташкил қилади. Қонунларнинг талаблари тегишли ҳолатлар ва қоидаларга риоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Туризм хизматларини режалаштириш иқтисодий-математик, статистик, башорат, эҳтимолий-таҳлилий ва бошқа методологик принципларга асосланади. Туризм хизматларини режалаштиришнинг назарий концепциясини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда мажмуали режалаштириш назарий томондан талаб ва таклиф омилларининг ўзаро боғлиқ тизими сифатида олиб қаралади.

Талаб омилларининг тизимини туристик маҳсулотнинг халқаро ва ички бозорлари, туристик раёнларнинг туристик диққатга сазовор жойлар, объектлар ва хизматлардан фойдаланадиган маҳаллий аҳолиси белгилаб беради.

Таклиф омилларининг тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

- диққатга сазовор жойлар ва улардан фойдаланиш ҳамда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолият турлари;
- туристлар тунаш учун тўхтайдиган жойлашиш воситалари;
- бошқа туристик объектлар ва хизматлар (овқатланиш корхоналари, магазинлар, тиббий пунктлар, саёҳатлар ва экскурсияларни ташкил қилиш, банк хизматлари, валюта алмаштириш);
- транспорт (туристларга тақдим этиладиган барча транспорт турлари);

- инфратузилма (сув ва электр таъминоти, канализация, чикитларни йўқотиш, телекоммуникация, шунингдек, атроф муҳитни химоя қилиш, унинг юқори сифатини таъминлаш);

- институцион таркибий қисмлар (туризмга таллуқли давлат, тижорат ва хусусий тузилмалар, қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, барча босқичлардаги касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш, реклама-ахборот фаолияти, визаларни расмийлаштириш, туристлар кирадиган ва чиқадиган пунктларда божхона расмийчиликларини энгиллштириш ва б.).

Туризм **хизматларини** мажмуали режалаштиришда талаб ва таклифни ташкил қилувчи барча таркибий қисмларнинг мувофиқлашган ҳолда фаолият кўрсатишини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Туризмни мамлакат ёки тегишли минтақани ривожлантиришнинг умумий сиёсати, режаси ва моделига уйғунлаштириб юбориш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бундай кўшилиш ривожланишнинг турли йўналишлари учун маълум ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳар қандай зиддиятларни (масалан, ҳам маҳаллий аҳоли, ҳам туристларнинг эҳтиёжини қондириш учун қиммат инфратузилма тақдим этиш) ҳал қилишга имкон беради.

Мажмуали режалаштириш ўзгараётган барча шароитларга мослашишга имкон беради. У башорат қилинаётган шароитларни ҳисобга олган ҳолда ривожланишнинг конкрет моделини назарда тутаяди.

Мажмуали режадаги тадбирларни амалга оширишда бажариш мумкин бўлган ижодий ва инновацион хусусиятга эга тавсиялар, усулларни ишлаб чиқиш муҳим босқич ҳисобланади.

Барқарор ривожлантириш – ҳозирги вақтда туризмни режалаштиришда қўлланилаётган асос бўлувчи концепциялардан бири ҳисобланади. У XX аср 80 йилларининг бошида халқаро майдонда анча оммавий бўла бошлади. 1999 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қуйидаги аниқ таъриф қабул қилинди:

«Барқарор туризм - ўз фаолияти билан атроф муҳитга шикаст этказмайдиган, иқтисодий ҳаётини қобилиятга эга, шунингдек маҳаллий

аҳолининг шаклланган маданий анъаналарига ва ижтимоий асосларига салбий таъсир кўрсатмайдиган туризмдир».

Барқарор ривожлантириш концепцияси асосида туризмни режалаштириш айниқса, бевосита табиий муҳит, тарихий мерос, маданий ёдгорликлар билан боғлиқ фаолият турларида муҳим аҳамият касб этади. Агар бу ресурслар бузилса ёки уларнинг ҳолати ёмонлашса, у ҳолда туристик минтақалар авваламбор юқори сифатли экологик даражага эга марказларга интиладиган дам олувчилар учун жозибадорлигини йўқотади.

Мана шунинг учун ҳам туризмни барқарор ривожлантиришни таъминлаш концепциясида қурилиш жараёнида туризм объектларини жойлаштиришнинг энг мақсадга мувофиқ хили ва турини танлаб олишда атроф муҳитнинг барча элементларини синчиклаб кузатиш, таҳлил қилиш ва ҳисобга олишни назарда тутадиган экологик режалаштириш бирламчи метод ҳисобланади. Бундай ёндашувда, масалан, сув босадиган текисликлар, тик тоғёнбағирларида ва ш.к. интенсив қурилиш истисно қилинади.

Барқарорлик концепцияси асосида туризмни ривожлантириш кўп жиҳатдан атроф муҳитни муҳофаза қилиш, туристик ресурсларни сақлаб қолишга йўналтирилган фаолиятни асосли равишда маблағ билан таъминлашга хизмат қилади.

Бундай ёндашувга асосланган туризмни режалаштириш концепцияси туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Чунки маҳаллий аҳоли қиёфасида даромадлар тарзидаги (жумладан хорижий валютада ҳам) фойда олади, янги иш жойлари яратилади, маҳаллий ҳокимият органлари туризмни ривожлантириш, атроф муҳитни сақлаш, экологияни яхшилашга ёрдам беради.

Туризмни барқарор ривожлантириш концепциясининг муҳим омили – маркетинг нуқтаи назаридан унинг муваффақиятини, маҳаллий аҳолига ва атроф-муҳитга фойдасини таъминловчи сифатидир. Шу билан бирга сифатли туризм албатта қиммат бўлиши керак деган тасаввур туғилмаслиги лозим. У «нарх ва сифатнинг яхши мутаносиблиги»ни таъминлайдиган диққатга сазовор

жойлар, объектлар ва хизматларни қамраб олади, туристик ресурсларни муҳофаза қилади ва маҳаллий атроф муҳит ва аҳолига хурматини намоён қиладиган меҳмонларни жалб этади.

Истиқболли ва стратегик режалаштириш доирасида мақсад ва вазифалар белгилаб олинади, ривожлантиришнинг мақул моделлари ва бошқа тадбирлар шакллантирилади (1.чизмада).

Туризмни ривожлантиришнинг истиқболли ва стратегик режалари нисбатан узок вақтга (10–15, баъзан эса 20 йилга) мўлжаллаб ишлаб чиқилади. Бу мамлакат ёки минтақадаги ҳолат эволюциясининг башоратидан келиб чиқиб амалга оширилади. Масалан, миллий паркларда ва туристик дестинацияларда йирик курортлар ёки туристик марказларни яратиш бўйича конкрет лойиҳаларни амалга ошириш узок вақт талаб қилади.

Истиқболли ва стратегик режалаштириш натижалари жуда ўхшаш, лекин кейингисининг натижалари башорат қилинаётган келажакда тез ўзгарувчан ва олдиндан кўриб бўлмайдиган вазиятлар туфайли юзага келадиган ташкилий масалаларни эчишга кўпроқ мўлжалланган бўлади.

Стратегик режалаштириш фақат туризмни ривожлантиришнинг узок муддатли мажмуали дастури доирасида истиқболли режалаштириш билан ўзаро боғлиқликдагина анча гойдали бўлади. Агар стратегик режалаштиришни ажратилган ҳолда қўлласак, у камроқ мажмуали хусусиятга эга бўлади ва режалаштиришнинг барқарорлиги каби узок муддатли дастурларни ҳал қилишдан узилиб қолиши мумкин.

Туризмни режалаштиришга тегишли туманларда маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик ташкилотлари жалб қилиниши керак. Агар бу вакиллар туризм соҳаси келтирадиган фойдаларни англаб етсалар, улар фаолиятнинг ушбу турини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик вакилларининг туризмни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришдаги иштироки махсус комиссиялар тузиш йўли билан амалга оширилади. Улар режаларнинг лойиҳаларини ўрганиб чиқадилар, манфаатдор давлат органлари ва идоралари,

хусусий сектор вакиллари, жамоатчилик, диний ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида туристик фаолиятни амалга ошириш сиёсати ва йўналишлари бўйича режалар ишлаб чиқарувчиларга тавсиялар берадилар.

Туризмни ривожлантириш режаларини кўриб чиқишнинг усулларида бири жамоатчилик тингловларини эшитишдир. Бу аҳолига режалаштирилаётган чоралар ҳақида билиш ва ўз фикрини билдиришга имкон беради. Шунингдек, махсус семинарлар ўтказиш орқали турли босқичларда режалар лойиҳалари билан танишиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу семинарлар иштирокчилари туризмни ривожлантириш ва унинг мамлакат, минтақа, туман иқтисодиётига таъсири тўғрисида ахборот оладилар. Бунда оммавий ахборот воситалари кенг жалб қилинади.



Туризм соҳасини ривожлантириш режаларини кўриб чиқишнинг усулларида бири жамоатчилик фикрини эшитишдир. Бу аҳолига режалаштирилаётган чоралар ҳақида билиш ва ўз фикрини билдиришга имкон беради. Шунингдек, махсус семинарлар ўтказиш орқали турли босқичларда режалар лойиҳалари билан танишиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу семинарлар иштирокчилари туризмни ривожлантириш ва унинг мамлакат, минтақа, туман иқтисодиётига таъсири тўғрисида ахборот оладилар. Бунда оммавий ахборот воситалари кенг жалб қилинади.

Йирик лойиҳалар одатда туризм бўйича марказий ва митақавий идоралар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари ва туман жамоатчилигини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади. Бунда кўриб чиқилаётган масала бўйича ягона фикрга келиш жуда муҳимдир. Бунга эса режалаштиришнинг «тепадан пастга» ва «қуйидан юқорига» методларини уйғунлаштиригандагина яхши натижаларга эришилади.

Юқорида айтилганларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитларида туризм соҳасини ривожлантиришни режалаштириш мажбурий жараён экан. У туризмнинг турли даражалардаги ривожланиш хусусиятлари, фаолияти ва иқтисодий самарадорлиги, унинг мамлакат халқ хўжалиги иқтисодига қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда ноишлаб чиқариш соҳасида режалаштиришнинг назарий концепциялари, методологик асослари ва принципларига таяниши керак бўлади.

1.3. Ўзбекистонда туризм соҳасини режалаштиришда ҳисобга олинган асосий йўналишлар

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги қонуни қабул қилиниши республика ҳукумати ушбу соҳага катта эътибор қаратаётганлигини кўрсатади. 1992 йил 27 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» ги фармони, шунингдек 1993 йил 3 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон

Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 1998 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори, 2003 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қарори, 2006 йил 17 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари фикримизнинг яққол далили бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ва қонун ости ҳужжатлари дастурий ҳужжатлар бўлиб улар иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳаси бўлмиш туризмнинг ривожланиши учун ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва моддий-техник чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган.

Туризм билиш, рекреацион, спорт-соғломлаштириш, кўнгилочар ва бошқа функцияларни бажаради. Ҳозирги вақтда у Ўзбекистон иқтисодиётида ривожланган туристик малакатларникига қараганда унчалик катта ўрин тутмаяпти. Туристик фаолиятдан тушган тушумлар ялпи ички маҳсулотнинг 1,8 фоизини ташкил қилади, халос.

Туризм соҳасидаги баъзи салбий омилларни енгиш узоқ вақт ва биринчи навбатда давлат томонидан режалаштиришни талаб этади. Соҳанинг ҳозирги ҳолати Ўзбекистоннинг мавжуд имкониятларига жавоб бермайди. Республикамиз туристик индустриясини янада ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларга эга: табиий шароитлар, тарихий-маданий, моддий ва инсон ресурслари. Туризм мамлакатнинг бозор муносабатларини рағбатлантиришнинг, миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ижобий таъсир кўрсатишнинг, аҳолини иш билан таъминлашнинг, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича ишлар яхшиланишининг, аҳолининг маданий ва соғлиқ даражасини кўтаришнинг энг самарали усулардан бири бўлиши мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари мажмуали ва узоқ муддатли хусусиятга эга. Уларнинг биринчи навбатдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- туризм соҳасини давлат тамонидан қўллаб-қувватлашини таъминлаш, уни ривожланишини режалаштиришда давлат ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарни, шунингдек, алоҳида фуқароларни жалб этиш;
- тегишли моддий-техника базасининг иқтисодий асосларини ва ривожланган инфратузилмасини яратиш;
- туристик соҳани бошқаришни марказлаштиришдан ҳоли қилиш, давлат тасарруфидан чиқариш, бозор хўжалик юритиши асосида замонавий тузилмаларни яратиш;
- туристик ресурслардан, ўзбек халқининг миллий тарихи ва маданияти ютуқларидан фойдаланиш асосида мамлакат ва хорижий (кириб келувчи) туризмнинг устуворлигини таъминлаш;
- туристик хизмат кўрсатишнинг асосий шакллариини давлат стандартларини ишлаб чиқиш;
- аҳолининг маънавий ривожланишига, унинг соғлиги мустаҳкамланишига, фуқароларда умуминсоний қадриятлар, экологик маданият шаклланишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантиришнинг истиқболдаги мақсади-республиканинг миллий-маданий тикланиши, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш борасидаги ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик масалаларини ҳал қилишдир (бу тармоқ БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Туризм хартияси талабларига жавоб берадиган бўлиши керак).

Туризм соҳаси олдида турган асосий вазифа – Ўзбекистоннинг табиий иқлимий, *рекреацион* ижтимоий-иқтисодий ва тарихий маданий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ички ва халқаро туризм эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган юқори рентабелли туристик тармоқни яратишдан иборат.

Ўзбекистон халқаро туризм бозоридан мустаҳкам ўрин олиши учун туристлар учун юқори даражадаги қулайлик яратилиши, уларга хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича стандартлар тизими, хавфсизлигини таъминлаш кафолатлари юзага келтирилиши шарт.

«Туризм тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда туризм соҳасини режалаштиришда қуйидаги асосий йўналишлари ҳисобга олинади¹⁶:

- давлат манфаатлари ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, халқаро туристик амалиёт меъёрларини ҳисобга олган ҳолда туристик тармоқнинг устувор ривожланишини таъминлаш;
- келгусида туризмнинг янада ривожланишига кўмаклашадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа меъерий ҳужжатларни тайёрлаш;
- тармоқнинг ташкилий тузилишини, уни бошқариш ва фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш;
- туризмнинг ривожланган инфратузилмасини яратиш;
- туристик-рекреацион зоналар, ҳудудлар ва туристик марказларни ўзлаштириш;
- ахборот-реклама фаолияти йўналишларини белгилаш, маркетинг ва экскурсия-услубий хизматларни ташкил қилиш;
- имтиёзли равишда маблағ билан таъминлаш ва кредит бериш йўли билан туристик фаолиятни рағбатлантириш;
- тармоқнинг малакали кадрлар ва илмий потенциалини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш;
- табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни сақлаш самарасини таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда туристик фаолият олиб боришнинг шакллари ва механизмни ишлаб чиқиш.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги қонуни. Халқ сўзи газетаси 21.08.1999.

Туризм соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш жараёни бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, айнан бозор туристик хўжалик фаолият кўрсатиши учун энг мақбул иқтисодий муҳит ҳисобланади. Ўз навбатида, туристик тармоқ корхоналари, бевосита истъеъмолчига мўлжал ола туриб, бозор муҳити шаклланишига фаол кўмаклашиши керак.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш туристик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш, туризм инфратузилмасининг мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг бошқа устувор соҳалари билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлашга имкон беради.

Ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда туристик хўжалик айти пайтда турдош тармоқларга юқори талаблар кўяр экан, фақат технологияларни такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилашгагина эмас, балки хўжалик юритишнинг энг самарали шаклларини жорий қилишга, янги иш жойларини яратишга ҳам кўмаклашади.

Жамоа ва хусусий мулкчиликдаги кичик ва хусусий корхоналар сонининг кўпайиши катта марказлашган маблағларни жалб қилмаган ҳолда туризмни ривожлантиришга имкон беради. Айнан шундай ёндашув хорижий сармояларнинг кириб келишига, хорижий фирмалар томонидан 1-2 йил ичида туристик объектлар ва марказлар қурилишига, шунингдек уларнинг қисқа муддат ичида ўзини қоплаб кетишига кўмаклашади.

Туристик тармоқни ривожлантириш суръатлари 2016 йилга бориб хорижий туристларни қабул қилишни икки мартага оширишни назарда тутди. Мамлакатимиз туристлари, шунингдек экскурсантлар сони уч мартага кўпайиши керак бўлади. Ўзгарувчан давлат солиқ сиёсатини ўтказиш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш мамлакат бюджетига тушумларнинг икки баробар кўпайишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида туризмни барқарор ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, бақувват туристик тармоқ яратишга, туризм инфратузилмасига давлат таъсирининг бошқарувини кучайтиришга, аҳолининг

турмуш даражасини оширишга, экологик хавфсизликни таъминлашга, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаб қолишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг даражасини оширишга, жамиятнинг маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда туристик хўжалик айни пайтда турдош тармоқларга юқори талаблар қўяр экан, фақат технологияларни такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилашгагина эмас, балки хўжалик юритишнинг энг самарали шаклларини жорий қилишга, янги иш жойларини яратишга ҳам кўмаклашади.

2.1. Туристтик хизматларни режалаштириш талабларини амалга ошириш

Туризм соҳасини режалаштириш тарихий жиҳатдан Европада вужудга келди. XX асрнинг 60 йилларида Франция ва Буюк Британия давлатлари туризмни режалаштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича пионерлар қаторидан ўрин олди. XX асрнинг 60 йиллари охирида ва 70 йилларнинг бошида Канада туризм индустриясини режалаштириш ишлари бўйича олдинги ўринларга чиққан давлат эди.

Туризмни режалаштириш ҳамиша муайян географик ҳудудга боғлиқ бўлиб, бу ҳудудлар туристик фаолият учун қизиқиш уйғотиши ва туристик имкониятлар ҳамда ўзига хос хусусиятлар ва тафсияларга туристик ресурсларга бой бўлмоғи керак. Туризмни режалаштириш туризмга боғлиқ бўлмаган ўзга ҳудудлардан алоҳида ажралиб туриши ва муайян туристик режаларни амалга ошириш, уларни назорат қилиш, бу ишларнинг келажагини башорат қилиш ёки ўзгаришини кўра билиш каби аниқ сиёсатни олиб бориш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Туризмни глобал этика кодекси тамойилларининг 2 нчи бандига асосан туризм фаолият сифатида дам олиш, спорт, кўнгил очиш, маданиятлар ва табиат билан

мулоқат қилиш, деб тушунилади. Аммо у индивидуал ва жамоанинг устувор воситаси сифатида такомиллашиши амалиётда режалаштирилиши керак.

Туристтик фаолиятни шундай режалаштириш керакки ананавий қадриятларни хунармандчиликни, маданият ва фольклорни сақлаб қолиб ва ривожланишини таъминлаш бирга, уни бирлашиб кетишига ва стандартлаштиришга йўл қўймаслик керак.

Туристтик муҳитни режалаштиришнинг моҳияти туризмни ривожлантириш учун фойдаланишга яроқли бўлган худудни ва шароитларни яратиш, худудга хос туристик имкониятлар ва инфратузилмага таянишдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан туризм соҳасини режалаштириш ўз олдига қуйидаги 5 та асосий талабни қўйиши зарур бўлади:

1. Туризм маркетингини ташкил қилишда, туризмга мос келувчи хизматлар ва тадбирларни амалга оширувчи муқобил ёндашишларни аниқлаш;
2. Фавқулотдаги ўзгаришларга мослашиш услубларини шакллантириш, масалан:

- умумий иқтисодий шароитларнинг ўзгаришига;
- энергия таъминотининг ўзгаришига;
- ҳаётий қадриятларнинг ўзгаришига;
- иқтисодиётда алоҳида соҳаларнинг ҳолатига;
- ташқи муҳитнинг бошқа омилларига;

3. Туризм учун ноёб хусусиятларни қўллаб – қувватлаш:

- табиий бойликлар;
- маҳаллий, маданий ва ижтимоий тизим;
- маҳаллий меъморчилик;
- тарихий жойлар ва ёдгорликлар;
- маҳаллий анъаналар ва урф – одатлар;
- парклар, спорт майдонлари ва бошқалар.

4. Кутилаётган ҳолатларга эришиш, масалан:

- туризмдан юқори даромад олишга;
- туристик ташкилотнинг ижобий нуфузига эга бўлиш;

- туризм индустриясини самарали ташкил қилиш;
 - операторлар орасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
 - самарали маркетинг ва ахборот дастурларини ривожлантириш.
5. Турфирмада ўтказилаётган жараёнларда кутилмаган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш масалан:
- операторлар ўртасидаги кераксиз рақобат;
 - маҳаллий аҳолининг туристларга нисбатан ёт муомаласидан қочиш;
 - табиат ва маданий бойликларнинг доимий ўзгаришидан ва бузилишидан қочиш;
 - маданий ўзига хосликни йўқотишдан қочиш;
 - бозордаги улушни йўқотишдан қочиш;
 - атроф – муҳитни ифлослашдан қочиш;
 - яққол ифода этилувчи даврийлик;
 - транспорт муаммолари ва бошқалар.

Шундай қилиб, туризмни режалаштиришнинг асосий мақсади шундан иборатки, унда маркетингга, ижтимоий ва атроф – муҳитга кўрсатилиши мумкин бўлган салбий таъсирлардан чекиниш, уларнинг олдини олиш, ҳамда туризм режалаштирилмаган ҳолларда юз берадиган салбий омилларга қарши туриш энг муҳим масаладир.

Туризм индустрияси – комплекс режалаштириш объекти бўлиб, миллий даражада режалаштириш куйидагиларни ўзида ифода этади, туризм ривожланадиган туманларни аниқлаш, белгилаш ва ушбу туманларда мавжуд бўлган у ёки бу туристик объектларни зиёратгоҳларни аниқлаш ва белгилаш, миллий туристик сиёсатни, режаларни ва дастурларни туризмни исталган даражада ривожлантиришга қаратиб ишлаб чиқиш, инвестицион сиёсатни шакллантириш, туристик қонунларни, умумий маркетинг стратегиясини ва реклама фирмаларини шакллантириш, давлат туристик сиёсатининг стратегик ва тактик усуллари ишлаб чиқишни назарда тутди.

Миллий туризм сиёсати давлат сиёсати даражасидаги ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, булар туристик индустрияни ривожлан-

тиришнинг шароитларини яратишни, туристик ресурслардан рационал фойдаланишни, туристик тармоқларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни белгилайди. Давлатнинг туризм сиёсати миллий туристик маҳсулотни ҳаракатга келтириш ва яратиш концепциясида ўз аксини топади.

Умуман туристик маҳсулот деганда мавжуд булган табиий иқлим, маданий, тарихий – архитектурага оид ресурслар мажмуаси тушунилади. Улар бошқа давлатлардан ва жаҳоннинг бошқа минтақаларидан туристларни жалб қилишга қаратилган туристик фаолият ва инфратузилмада, туристик ташкилотларнинг фаолиятида ишлатиладиган аниқ туристик маҳсулотларнинг ҳаракатини ифода этади.

Миллий туристик маҳсулотни соддалаштирилган кўринишда давлатнинг туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолияти натижаларини тушуниш лозим. Бунда давлатнинг туристик сиёсати интеграциялашган минтақавий режалаштириш асосида яратилиши керак.

Уларни амалга ошириш учун зарур масалалар мажмуасига қуйидагилар киради:

- ўз бозорида туризм учун кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш;
- туристик объектларни қуриш ва уларни қайта таъмирлаш.

Ушбу дастурни жорий қилиш механизми бюджет маблағларини, бошқа манбаларни, чет эл ҳамда мамалакатнинг ўзидаги мавжуд инвестицияларни жалб қилиш дастурли чора – тадбирлар ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни алоҳида молиялаштиришни назарда тутди.

Минтақавий туристик режалаштиришнинг моҳияти, ўзида аниқ ушбу минтақанинг махсус шароитларини ҳисобга олган ҳолда, туризмни ривожлантиришнинг минтақа сиёсати, дастури ва режаларини ишлаб чиқишни ўзида номоён этади.

Ушбу жиҳатларда туристик минтақа деганда – умумий туристик инфратузилмага бирлашган, табиий, маданий ва тарихий – архитектура ресурсларига асосланган ҳудудий бирлик тушунилади ва ягона объект сифатида қабул қилинади. Туристик минтақа ички – миллий категория бўлиб, у аниқ бир

нечта маъмурий ҳудудларга бўлиниши мумкин. Минтақаларнинг маъмурий чегараси доирасида туризмни режалаштириш энг кенг тарқалган усулдир.

Режалаштиришнинг маҳаллий даражаси аниқлашуви билан фарқ қилади. Бунда алоҳида жойларга меҳмонхоналар, туристик зиёратгоҳларни жойлаштириш учун ердан самарали фойдаланиш режаси қўлланилади. Дам олиш жойларини, хиёбонлар, транспорт тизимини туризм инфраструктурасининг бошқа элементларини жойлаштиришда ердан фойдаланиш режаси асосида иш юритилади. Туризмни режалаштириш туристик зиёратгоҳлар, туристик курорт ва туристик марказ даражасида амалга оширилади.

Бугунги кунда шаҳарларда режалаштиришнинг қуйидаги турларини ажратишади:

- * туризмни режалаштиришда ердан фойдаланишни ҳисобга олиш;
- * туризмни режалаштиришда умумий инфратузилмани ҳисобга олиш;
- * туризмни режалаштиришда ижтимоий соҳаларни ҳисобга олиш;
- * туризмни режалаштиришда табиатни муҳофаза қилиш объектларни ва истироҳат боғларини ҳисобга олиш.

Кўп ҳолларда туристик режалаштириш маҳаллий ҳокимият томонидан амалга оширилади. Хусусий сектордаги корпорациялар ва фирмалар томонидан эса кооператив режалаштиришлар амалга оширилади. Маълум маскан даражасидаги туризмни режалаштириш иморатларни, истироҳат боғларини, архитектура ландшафтларини, инфратузилма ташкилотларини қуришни жуда пухта режалаштириш бўлиб туризмда кенг қўлланилади.

Лойиҳалаш ўз ичига иморатларни, қурилишларни, ландшафтларни ва инфратузилмаларнинг ихтисослашувини ўз ичига олади. Лойиҳалаш сингари аниқ режалаштириш давлат томонидан ва хусусий секторлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин, аммо бу режалар маҳаллий ҳокимият томонидан ўрнатилган, ривожланишнинг ўша жойига хос талаблари ва стандартларига жавоб бериши керак.

Туризмни ривожлантиришнинг умумий концепциясини тайёрлашни туманлар учун минтақавий концепция ва режаларни ишлаб чиқиш билан қўшиб

олиб бориш мумкин. Бундан ташқари туризмни ривожлантириш масаласи ва мамлакатда замонавий туристик мажмуасини яратиш давлат сиёсати ислоҳати йўналишида кўриб чиқилиши керак.

Халқаро туризм индустриясини ривожлантириш тажрибаси туризм муаммоларини ечишни қуйидаги сабабларга кўра ҳар бир давлатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг умумий йўналиши негизида ҳал этиш зарурлигини кўрсатади:

Биринчидан. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг нисбатан юқори бўлган кўрсаткичларига қарамадан, туристик ташкилотлар минтақаларнинг хўжалик ва ижтимоий тизимининг ҳамда мазкур мамлакат халқ хўжалигининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Улар кредит – пул тизими ҳолати, аралаш соҳаларнинг ривожланиш даражаси ва умуман хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси ривожланишига мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий тавсифи, солиқ ва валютага оид ишлаб чиқилган қонунлар таъсир этади.

Иккинчидан. Туристик индустрияни ривожлантириш жуда кўп молиявий маблағларни тўплашни талаб қилади. Кўп ҳолларда корхонанинг ишга тушиш босқичида ва қайта таъмирлашлар, қурилишлар, инвестицион портфеллар шаклланишида жуда кўп молиявий иштирокчилар бўлишлиги кузатилади.

Учинчидан. Қўйилган капиталларнинг ўзини оқлашининг юқори кўрсаткичларига эришиш, рақобат талаб, мақсадли туристик маҳсулотни шакллантириш орқали эришилиши мумкин. Бунда албатта ривожланган йўлдош инфратузилма ва туристик хизматларни жорий қилиш ва жорий этиш босқичларини ихтисослаштириш мавжудлиги назарда тутилади. Бундай ёндашув туризмни режалаштиришнинг юқори интеграциясини таъминлайди.

Туристик тизимларни шакллантириш вазифалари ичида бугунги кунда минтақа ва ҳокимият даражада тармоқларни бошқариш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу бошқарув усули қуйидаги масалаларни мустақил ҳолда ечиши лозим:

- реал мавжуд бўлган имкониятларни ишга солиш;

- аҳолининг аниқ талаб ва сўровларини ҳисобга олиш.

Ислоҳат қилиш тажрибаси маҳаллий жойнинг барча хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб давлат миқёсида иқтисодий ўзгаришларнинг, жумладан туризмни ривожлантиришнинг истаган натижаларига эришиш мумкин эмаслигини тасдиқлайди.

2.2. Самарқанд шаҳрида туристик хизматларини режалаштиришнинг мақсадни белгилаш

Миссия ташкилотнинг фаолият олиб бориш моҳиятини ифодалайди ва демак, у ҳар дақиқада ташкилот ҳаракат қиладиган аниқ асосий ҳолат, унинг мақсадни белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, мақсад – бу ҳар қандай ташкилот хусусиятларининг аниқ ҳолати, унинг учун керакли бўлган ютуқлар ва бу натижаларга йўналтирадиган фаолият ҳисобланади. Мақсадни аниқлаш жараёни ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожлантиришнинг стратегик режалаштириш таҳлилидан кейин келадиган босқичдир. Стратегик режалаштиришнинг мазкур босқичи режалаштириш ва бошқарувнинг ҳар қандай жараёнида илк нуқта ҳисобланади. Кейинги йилларда махсус адабиётларда мақсадни аниқлаш муаммоларига янада кўпроқ эътибор ажратилмоқда, чунки мақсад тушунчаси ва у билан боғлиқ мақсадга мувофиқлик ҳамда мақсадга йўналтирилганлик тушунчалари ҳар қандай тизим ривожланишининг асосида ётади. Шаҳарни мажмуавий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий уюшмалар мақсадларини шакллантириш илмий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда ишлаб чиқиш бўйича ишлар ушбу адабиётлардан маълум¹⁷.

¹⁷ Пардаев М.Қ. Турфирмалар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили. Маъруза курси. // И.Т.Абдукаримов, И.С.Тухлиев ва б. – С.: СамИСИ, 2011. – 184 б.

Тухлиев И.С., Қудратов Ф.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти. 2010. – 238 б.

Жихаревич Б.С. Современная экономическая политика городских и региональных властей. – СПб.: ИСЭП РАН, 1995. – 137 с.

Рохчин В.Е., Жилкин С. Стратегический выбор города: научный подход. – СПб.: ИСЭП РАН, 1998. – 112 с.

Туризмни ривожлантириш мақсадларини илмий асослаш масалалари шу пайтгача кўпгина расмий ҳужжатларда туризмни ривожлантириш мақсадининг у ёки бу кўринишида қайд этилса-да, туристик мавзу бўйича махсус илмий тадқиқотларда унга етарлича эътибор берилмаган. Тегишли ташкилотлар эълон қилган ривожланиш мақсадлари ва аниқ натижалар мувофиқлигини баҳолашда кўпинча уларнинг яққол номувофиқлиги кузатилади ва бу муаммолар юзага келишининг энг муҳим сабабларидан биридир. Бунда мақсадни аниқлаш жараёни гўё таъсир объектдан бегона, яъни туризм соҳаси хўжалик юритиш субъектларидан (туристик хизматларни ишлаб чиқувчилар ва истеъмол қилувчилар, туризм инфратузилмаси корхоналаридан) узоқ бўлиб, деярли “сезилмайди”, баъзи ҳолатларда эса уларнинг манфаатларига зид келиши ҳам кузатилади. Шунга кўра, шаҳарда туризмни ривожлантириш мақсадларини қўйишга асосий назарий ва услубий ёндашувларни белгилаб олиш зарур, бу ёндашувларни мавҳум-назарий мазмунда эмас, балки режалаштиришнинг қабул қилинган уфқлари доираларида амалга оширилиши имкон бўлган аниқ мақсадларнинг белгиланишини таъминлай оладиган тарзда белгилаш зарур. Шунда мақсадни аниқлаш жараёни яхлит, мувофиқлик нуқтаи назаридан зид бўлмаган мақсадлар ва талаб этилган ривожланиш стратегияси ресурсларини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлади.

Ҳар қандай тизимнинг мақсадлари умумий кўринишда тизимнинг исталаётган ҳолати сифатида белгиланиб, тизим ушбу мақсадларга маълум муддатдан сўнг эришиши лозим. “Мақсад” тоифасининг ҳақида гап кетганда шуни қайд этиш зарурки, тадқиқотчилар томонидан мазкур тушунчага турлича маъно берилмоқда. Мақсаднинг инсон идеал интилишлари сифатида талқин этилгани маълум; шунингдек, объектив қонунлар ишининг натижаси сифатида ҳам: “... мақсад ижтимоий борлиқ талабининг, қонунларнинг идеал инъикосидир” деб таърифлайди ўз ишида олимлар Г.Карпова ва А.Водовода¹⁸.

¹⁸ Карпова Г.А., Водовода А.В. Концепция устойчивого развития туризма и рекреационная деятельность на охраняемых природных территориях: Материалы научно-практической конференции. – СПб.: 1997. - с. 18.

В.Рохчин ва С.Жилкин тадқиқотларида мақсад тоифасининг моҳияти тўғрисидаги баҳс-мунозаралар батафсил баён этилмасдан, у объектив қонунлар ишлаши билан боғлиқ, объект ички ўзаро алоқаларининг унинг ҳар хил даражалардаги функционал боғлиқликларини ҳамда бутун ва қисман боғлиқлигини ўз ичига олувчи сифат-миқдорий тизими билан тавсифланувчи исталаётган (орзу қилинган) ҳолат сифатида олиб кўрилади¹⁹. Бу анчайин мураккаб объект мақсади сифатий ва миқдорий хусусиятлар йиғиндиси – мақсадли қодалар, мақсадли кўрсаткичлар ва меъёрлар ёрдамида очилиши мумкинлигини билдиради. Бу ўринда мақсад мўлжали унинг ролида келадиган объектив қонунлардан келиб чиқувчи мақсадли йўналиш билан белгиланади. Мақсаднинг миқдорий аниқлиги эса мақсадли кўрсаткичлар – мақсадни аниқлаш объектнинг маълум вақтдаги миқдорий хусусиятлари ва мақсадли меъёрлар – объектнинг якуний (исталган, орзу қилинган) ҳолатининг талаб қилинган илмий асосланган даражасига мос мақсадли кўрсаткичлар маъноларини ишлаб чиқиш билан таъминланади.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида туризм соҳасини ривожлантиришнинг илгари сурилаётган мақсадлари қандай бўлиши кераклиги масаласи долзарб масала бўлиб турибди. Биринчидан, шаҳар туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадлари ижтимоий зарурат бўлиши лозим (мақсадларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги), яъни улар инсонлар эҳтиёжларини қондириши керак, бунга эришиш учун эса мақсад ресурс жиҳатидан таъминланган бўлиши зарур. Мақсадлар инсонлар эҳтиёжлари ва манфаатларини объектив акс эттириб, уларга мувофиқ ресурслар ташкил этилади. Кўпгина олимларимиз ҳақли равишда таъкидлашларича, мақсад белгилаб олингунга қадар у эҳтиёж, умумий эҳтиёжнинг мужассами сифатида англаниши зарур. “Мақсад – эҳтиёж функцияси ва айнан у (эҳтиёж) янги моддий бойликлар яратишга ундайди”²⁰. Шаҳарда туризмни ривожлантириш мақсадини шакллантириш асосига ижтимоий эҳтиёжларни, жумладан, турли поғонали

¹⁹ Рохчин В.Е., Жилкин С. Стратегический выбор города: научный подход. – СПб.: ИСЭП РАН, 1998. – 112 с.

²⁰ Лексин В.Н., Швецов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. – М.: УРСС. 1997. – 372 с.

босқичлардаги бошқарув субъектининг эҳтиёжларини аниқлаш ва баҳолаш қўйилиши лозим бўлади.

Истеъмолчилар учун – бу эҳтиёжларни аниқ туристик хизматлар ва маҳсулотларда шакллантириш ҳамда кондириш; туристик индустрия вакиллари учун – сармоя сарфлаш ва фаолият соҳасида ифодаланади. Маҳаллий маъмурият учун мақсад – шаҳар бюджетига даромад олиш ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш соҳаси бўлади. Бу миллий даражадаги бошқарув субъекти учун – Ўзбекистон алоҳида субъектининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини ошириш соҳаси ҳамда умумдавлат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятининг мавжудлигида ифодаланади.

Эҳтиёжлар ва мақсадлар орасидаги алоқа манфаатларда намоён бўлади. Манфаат соҳиблари туристик хизматларни ишлаб чиқувчи туристик индустрия корхоналари ҳам, хизматларни истеъмол қилувчи туристлар ҳам, тармоқнинг инфратузилмалари уюшмалари ҳам ҳисобланади. Шунга боғлиқ ҳолда улар кесишувининг қуйидагича мумкин бўлган эҳтимолли соҳалари ва ўзаро алоқаларини аниқлаш йўли билан уларни мослаштириш зарурати келиб чиқади: шаҳарнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш; туристик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни асраш; меҳнат ресурсларларини ривожлантириш даражасини ошириш; шаҳар бюджетини шакллантириш; шаҳарни туристик бозорларга олға суриш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик; туризм соҳасини ривожлантириш учун андозавий шароит яратишда ва аввало ҳуқуқий-меъёрий базани ишлаб чиқишда ҳамкорликдаги иштироклар ва бошқалар.

Бугунги кунда ижтимоий соҳани ўрта муддатли истиқболга ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ичида ҳақиқий даромадларнинг ва аҳоли истеъмолининг ўсиши, яъни аҳоли турмуш сифатининг ошиши билан боғлиқ мақсадлар муҳим, деб белгиланган. Шунга кўра, туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадларини шакллантиришда режалаштирилаётган ҳудудда бу жараён туфайли иш ўринларининг кўпайиши ва аҳоли шахсий

даромадлар ўсишидан бевосита фойда кўриши ҳамда бундан ташқари, туризм ривожланиши ҳудуд-дестинациянинг мажмуавий ривожланишига ҳам жиддий фойда келтириши сингари талабларга ҳам риоя қилиш зарур бўлади.

Шаҳарни мажмуавий тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари, унинг стратегик танлови, яъни шаҳар томонидан узоқ муддатли истиқболга белгиланган асосий вазифалар тўплами ҳам туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Туристик ривожланишнинг мақсади шаҳарнинг ривожланишига боғлиқ бўлган реал алоқалар ва муносабатлардан алоҳида олиб кўрилиши мумкин эмас. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг даражаси, ўзаро боғлиқ ва рақобатчи тармоқлар мавжудлиги ҳамда уларнинг ривожланиш даражаси, бошқа ташқи омиллар таъсири – бунинг ҳаммаси туристик ривожланиш мақсадининг шаҳар мажмуавий ривожланиши мақсадлари билан боғлиқлиги заруратини белгилайди. Аммо туризм соҳасининг ривожланишини режалаштириш масалалари етарли даражада илмий ишлаб чиқилмаганлиги, шаҳар ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режа ва дастурларида туризм ролининг тўғри баҳоланмаганлиги (2-илова) ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигида туризмнинг улуши ҳали жуда оз эканлиги туристик ривожланиш мақсадларининг шаҳар ва вилоят ривожланиши мажмуаси мақсадлари билан боғлиқ эканлигини билдиради.

Шаҳар туризм соҳасини ривожлантиришнинг бош стратегик мақсади икки масалани ақс эттириши лозим, деб ҳисоблаймиз. Биринчиси – туризмнинг ижтимоий ва иқтисодий функциясидан келиб чиқади ҳамда шаҳарнинг барқарор, рақобатбардош, турғун ривожланувчи мажмуасини таъминлашдан иборатдир. Яна бир мақсад эса ҳудудий, ҳудудлараро ва умумдавлат миқёсидаги муаммоларни қабул қилинган стратегик йўл-йўриқлардан келиб чиқиб ҳал қилишда туризм соҳасининг иқтисодий ҳиссасини таъминлашдан иборатдир.

Иқтисодий ривожланишни замонавийлаштириш шароитида бош стратегик мақсадни қуйидагича қўйиш зарурати юзага келади: маҳаллий жамоат даромадларини туристик фаолият орқали ўстириш, бинобарин, маҳаллий жамоат

манфаатларига ва турғун ривожланиш тамойилларига амал қилиш, яъни атроф-мухитни ҳамда тарихий-маданий меросларни асраб-авайлаш шароитида аҳоли бандлигининг ва турмуш даражасининг ўсишига кўмаклашувчи шаҳар туристик салоҳиятини кўпайтириш.

Миллий миқёсдаги туризм соҳасида мақсадни аниқлашнинг мавжуд тажрибаси таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда туризмни ташкиллаштириш ва ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Концепция рақобатбардош туристик мажмуани яратишни тақозо этувчи туризмни ривожлантиришнинг асосий стратегик мақсадини белгилайдиган “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш”нинг давлат дастурини қабул қилиш талабини кўймоқда.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун концепцияда қуйидаги асосий кўшимча мақсад ва вазифалар белгиланади: туризм соҳасини миллий иқтисодиётни тузилмавий қайта кўришнинг асосий йўналишлари рўйхатига киритиш; жаҳон амалиётига мос келувчи туризм ривожланишининг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратиш; хорижий ва ички туризмни ривожлантириш, ушбу соҳага сармоялар жалб этиш ҳамда ички туристик бозорни солиқ ва божхона имтиёзлари, давлат кафолатлари ва давлат томонидан рағбатлантиришнинг ўзаро чора-тадбирларини тақдим этиш йўли билан ҳимоя қилиш иқтисодий механизмларини шакллантириш; туристик фаолиятни сертификатлаш ва лицензиялашнинг қатъий тизимини жорий этиш; туристик хизмат кўрсатишнинг юқори технологик мажмуаларини шакллантириш ва тармоқнинг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадларида туризм, банк тузилмалари, транспорт, меҳмонхона ва суғурта компанияларининг кооперацияси учун қулай шароит яратиш.

Бизнингча, шаҳарда туризмни ривожлантириш мақсад ва вазифаларининг мажмуасини шакллантиришда муаммоли – йўналтирилган ёндашув ишланмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Муаммоли ёндашув ҳудудий ривожланишни режалаштиришда, хусусан, ҳудудий ривожланиш мақсад ва вазифаларини қўйиш билан боғлиқ бўлган ҳамда олимлар ишларида ўз

аксини топган²¹ масалаларни ҳал қилишда янгилик ҳисобланмайди. Агар муаммо аниқлаб олинган бўлса, уни қисман ечилган деб ҳисоблаш мумкин, деган фикр мавжуд. Худудий тизимни ривожлантириш мақсадларини аниқлашдаги муаммоларни таҳлил қилишнинг илму-фанимиз ва амалиётимизда ишлаб чиққилган тажриба туризмда мақсадни аниқлаш жараёнида муаммоли ёндашув унсурларини ишлаб чиқишга эътиборни жамлаш имконини беради.

Бунда тадқиқот объекти башоратга оид ишлар ҳамда юқорида кўриб чиқилган Самарқанд шаҳри туризм соҳасини ривожлантиришнинг эришилган даражасини мажмуавий таҳлил қилиш ҳисобланади. Туризмнинг ташқи ва ички муҳити бўйича ўтказилган SWOT – таҳлил талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва тақдим этилган башорат-таҳлилий ишлар натижалари истиқболли ва шаклланиб улғурган шаҳар туристик мажмуасини ривожлантириш муаммолари ҳақида аниқ тасаввур беради. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг эришилган даражасини мажмуавий таҳлил қилиш натижалари бўйича шаҳар туристик соҳасининг ишлаши ва ривожланишидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш амалга оширилади.

Муаммоларни аниқлаш туристик соҳанинг турли секторларида, ҳокимият органлари ва шаҳар туризмни бошқариш органлари ҳамда бошқа банд раҳбарлар ва мутахассисларнинг текширув баҳоларидан фойдаланиб амалга оширилиши лозим.

Истиқболдаги ва мавжуд муаммоларни аниқлаш бўйича ишларнинг бутун ҳажмини бажариш натижасида шаҳар туристик соҳасини ривожлантиришнинг тизимлаштирилиши зарур бўлган турли даража ва аҳамиятдаги муаммолар мажмуаси шаклланади.

Тадқиқотимизда ҳар бир муаммоли вазиятни қуйидаги тартибда кўриб чиқишни таклиф этамиз:

- муаммонинг кенг тавсифи;

²¹ Рохчин В.Е., Филлипов А.И. Социально-экономическое развитие муниципальных образований. Методология разработки концепции и механизм ее реализации. – СПб.: ИСЭП РАН, 1996. – 117 с.

- сифат-миқдорий тавсифлардан фойдаланган ҳолда ечилмаган муаммоларнинг туристик мажмуанинг ишлаши ва ривожланишига ҳозирги даврда ва истиқболдаги салбий таъсири (зарар)ни баҳолаш;

- муаммонинг мажмуавийлигини тавсифлаш (илмий-тадқиқот, лойиҳавий ва бошқа ишларнинг, ҳокимият тузилмалари билан, мувофиқлаштиришнинг зарурлиги);

- кўриб чиқиладиган муаммолар моҳиятидан келиб чиқувчи аниқ мақсадларни хомаки тавсифлаш ва миқдорий баҳолаш.

Ушбу жараён асосида эксперт (мутахассислар) баҳоларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Эксперт баҳолашнинг бошқа услублар, хусусан таҳлилий ва статистикадан устунлиги шундан иборатки, улардан фойдаланиш муаммонинг барча жиҳатлари тўғрисидаги кенг маълумотни, катта техник ва дастурли таъминотни талаб қилмайди. **Эксперт баҳолаш услубидан башорат қилиш ва истиқболли режалаштиришда кенг фойдаланилади.** Эксперт баҳолашнинг замонавий услублари математиканинг турли усулларини қўллашга асосланади: математик статистика, графлар (графалар) назарияси, кўплика назарияси ва бошқалар. Амалиёт эксперт баҳолашга, моҳиятига кўра субъективизмга хослигини кўрсатади. Шу сабабли ҳозирги пайтда экспертлик услублар соҳасининг мутахассислари текширувларни тайёрлаш ва ўтказишнинг ишончли қоидаларини ишлаб чиқишга катта аҳамият беришмоқда. Экспертлик услубларни ўрганиш ва уларни муаммоларни аниқлаш ҳамда тизимлаш мақсадида қўллаш имконияти асосида ўз ичига қуйидагиларни олувчи муаммони экспертизалашнинг тартиби белгиланди: мутахассис сўрови шаклининг танланиши; текширув гуруҳининг тузилиши ва сонини аниқлаш; сўров услубини ишлаб чиқиш; сўров ўтказиш; муаммолар рўйхатини тузиш; муаммоларни текшириш (экспертиза)ни амалга ошириш.

Туристлик ривожланиш муаммоларини уларнинг дастлабкисини аниқлаш мақсадида самарали экспертизасини амалга ошириш учун ташкилий ва услубий хусусиятга эга бир қатор масалаларни тўғри ҳал қилиш муҳимдир. Ҳар бир муаммонинг мураккаблиги ва мажмуавийлигини ҳисобга олиб, текширув

ишларини икки босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи босқичда ҳар бир муаммо алоҳида ҳал қилиниши лозим бўлиб, бунинг учун мазкур соҳадаги “тор” мутахассислар жалб этилади. Текширув мутахассислари сифатида шаҳар ҳудудида жойлашган ва шаҳарга келувчи туристларни қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган туристик фирмалар, меҳмонхоналар ва бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашиши мумкин. Иккинчи босқичда биринчисининг натижалари асосида туристик ривожланиш муаммоларининг бутун мажмуи уларни ҳар бирининг бирламчи (муҳимлиги)лигига кўра саралаш мақсадида баҳоланади.

Бунда аниқланган муаммоларни баҳолаш учун мезоний хусусиятлар белгилаб олинади. Аниқланган муаммоларни баҳолаш мезоний хусусиятларининг қуйидаги таснифи таклиф этилади:

- шаҳар туристик мажмуига ҳамда шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга салбий таъсир даражаси ;
- муаммони ҳал қилиш зарур бўлган вақт билан белгиланувчи ҳал қилиниш муддати (тезкорлиги).

Аниқланган муаммоларни баҳолашнинг мезоний хусусиятлари тизими аниқлангач, ҳар бир гуруҳ учун экспертли баҳолаш амалга ошириладиган аҳамиятлилик аниқланиб, балли баҳолар шкаласи ишлаб чиқилиши лозим ва баҳолаш натижаларига кўра муаммолар муҳимлиги аниқланади. Балли баҳолашнинг асосий устунлиги текширув иштирокчиларининг сифат жаҳатидан ҳар хил муаммоларни таққослаш ва тузиш имкониятидан иборат.

Экспертизанинг иккинчи босқичига мутахассислар қўйилиши лозимлигини таъкидлаш зарур: улар умумшаҳар ва туристик ривожланиш муаммоларидан яхши хабардор бўлишлари, туристик соҳа, умуман шаҳар, минтақа ривожланишида у ёки бу муаммони баҳолай олишлари ҳамда мутахассис тажрибасини ақс эттирувчи хусусиятлар йиғиндисига эга бўлиши лозим: умумий дунёқараш, тегишли соҳа билимларидан хабардорлик, амалий тажриба, текширувларда иштирок этиш тажрибаси, махсус билимлар ва ҳоказолар. Шаҳар туризм соҳасини ривожлантиришдаги стратегик мақсадлар,


уларнинг мақсадли йўриқлари аниқланган муаммолар моҳиятидан келиб чиқади ва моҳиятига кўра, уларни ҳал қилишнинг асосий йўналишларини очиб беради.

Самарқанд шаҳри туристик фирмаларида хорижий кировчи туризм бўйича ўтказилган сўров натижалари Самарқанд шаҳрининг стратегик режасига киритиш учун муҳим муаммоларни аниқлаш доирасида эксперт-мутахассислар усулини қўллаш жараёнида ишлатилди. Бу ўринда эксперт-мутахассислар сифатида хорижий кировчи туризмни ташкил этиш билан шуғулланувчи шаҳарнинг етакчи туристик фирма раҳбарлари қатнашишди.


Эксперт-мутахассисларнинг тадқиқот мақсади килиб, Самарқанд шаҳрига кировчи туризмни ривожлантиришнинг дастлабки муаммоларини аниқлаш ва соҳага оид белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш масаласи олинди. Тадқиқотнинг вазифалари килиб, туристлар етказиб берувчи мамлакатлар орасида етакчиларини аниқлаш ва Ўзбекистонга туристлар кириши билан боғлиқ дастлабки муаммоларни шаҳар туристик мажмуининг алоҳида соҳалари бўйича белгилаб олиш танланди.

Сўров бевосита кировчи туризмга ихтисослашган, кировчи туризм соҳасида 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган Самарқанд шаҳрининг йирик туристик фирмаларида ўтказилди. Танлаб (саралаб) олиш учун жами 30 та туристик фирмалардан 17 таси танлаб олинди ва уларда сўровнома варақасидан (3-илова) фойдаланилган ҳолда сўров ўтказилди.


Эксперт-мутахассислар томонидан ўтказилган сўров натижалари қуйидаги диаграммаларда кўрсатилган:



2-расм. Самарқанд шаҳрига хорижий туристларни етказиб берувчи йирик мамлакатлар



3-расм. “Мавсумийлик” – йирик ва ўрта тоифадаги туристик фирма вакиллари фикрига кўра, туристларнинг энг оммавий оқимлари келадиган даври



4-расм. Хорижий туристларни жойлаштириш воситалари бўйича тоифалари

3.1. Туристтик хизматларни бошқариш ва режалаштириш жараёнлари

Шаҳар даражасида туризм хизматларинини бошқариш субъекти сифатида тан олинган тегишли маҳаллий орган ҳокимияти ва бошқаруви мувофиқ келади. Иқтисодий ва айтиқса туризм соҳасини бошқаришда давлатнинг ролини аниқлаш муаммоси бугунги кунда ҳали ҳам энг долзарб ва мунозарали бўлиб қолмоқда. Ушбу мавзу бўйича баҳсларни батафсил баён қилишга тўхталмай, шаҳар туристик соҳасида кечаётган жараёнларга давлатнинг аралашуви объектив жиҳатдан зарурлигини ва юқорида кўриб чиқилган бир қатор объектив сабаблар билан боғлиқлигини амалиёт кўрсатганини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Бунда ҳокимият ва бошқарувнинг ҳам ваколатли, ҳам ижро маҳаллий органларининг асосий вазифаси аҳоли турмуш сифатини қабул қилинган ижтимоий андозалардан паст бўлмаган даражасини таъминлашдан, ижтимоий барқарорликни сақлаб туришдан иборат бўлиб, бу биринчи навбатда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш молиявий асосини мустаҳкамлаш ва маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлашни назарда тутди. Хўжалик юретишининг замонавий шароитида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ҳам шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муаммолари ҳал этилиши учун тўлиқ масъулият юкланади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан²² белгиланган ваколатлар доирасида йирик шаҳар миқёсида туризм соҳасини бошқариш субъектининг қуйидаги асосий вазифалари шаклланди:

- туризм ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш;
- туристик диққатга сазовор ҳисобланувчи табиий ва маданий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни ҳимоя қилиш ва асраб-авайлаш билан боғлиқ минтақа ичидаги қонунчиликни шакллантириш;
- кирувчи ва чиқувчи туризм нисбатларини бошқариш (назорат қилиш);

²² Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни. – Т.: 1999 йил, 14 апрель.

- ўз худудининг рекреацион, туристик, хўжалик ўзлаштирилиши бўйича дастурлар ташаббуси билан чиқиш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ички ва қирувчи туризм фаолиятини таъминловчи аралаш мулкчи (махаллий ва хусусий, маҳаллий ва улушли) корхоналар яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
- манзилли ва ижтимоий туризмга эҳтиёжларни таъминловчи маҳаллий ўз-ўзини бошқарувчи корхоналар яратиш ва қўллаб-қувватлаш;
- фаолият тури ички, қирувчи ва чиқувчи туризм билан боғлиқ бўлган хусусий корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва назорат қилиш;

Йирик шаҳар миқёсида туризмда бошқарув объектига келсак, бу жиддий аниқликни талаб қилади. Маълумки, шаҳар хўжалиги бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ турли тармоқлар ўзаро таъсири тизимидан иборат. Яхлит олинганида, йирик шаҳар иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, шу тизим учун хос у ёки бу хусусиятларга эга унсурлардан ташкил топади ва кўриб чиқилаётган тизимнинг ҳар бир унсури фақат унгагина хос хусусиятларга эга бўлади.

Йирик шаҳар иқтисодиётининг унсурларидан бири шаҳар туризм соҳаси бўлиб, у маҳаллий аҳолига ҳам, шаҳарга келадиган туристларга ҳам туристик хизматларни ишлаб чиқади ва сотишга ихтисослашган корхоналар ва муассасалар мажмуали тўпламидан иборат. Туристлик фаолиятдан қатъий назар, туристларга тунаш жойи, овқатланиш, ҳаракатланиш воситалари, уларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини таъминланиш ҳамда қўшимча хизматлар кенг кўлами тақдим этилиши зарур. Шунга кўра, туризм соҳасини тадқиқ қилишни ташкил этишнинг назарий асоси бўлиб, ўзаро боғлиқ унсурлар йиғиндисидан иборат ва бинобарин, ўз тузилмаси бўлган мураккаб тизим белгиларига эга янада баландроқ поғонали тартиб – шаҳар иқтисодиёти тизими бўлган шаҳарнинг туристик мажмуи тўғрисидаги тасаввурлар хизмат қилиши мумкин. Туристлик мажмуа унсурлари таркибини ва тузилмаси мазмунини шакллантириш туристлар ва аҳолининг турли эҳтиёжларини қондирилишини таъминлаш ҳамда табиий, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурати билан боғлиқ бўлади. Тузилмани тадқиқ қилиш асоси сифатида “Туризмдаги фаолият турларининг халқаро стандарт

таснифи” (СИКТА)ни (4-жадвал) туристик хизматларни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда қўллаш мумкин. Шаҳарнинг туристик дестинация тузилмасини шакллантирувчи ва туристик хизматларнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этишда банд бўлган корхона ва ташкилотлар СИКТАга мувофиқ учта асосий гуруҳга бўлинди:

1) бевосита туристларга хизмат кўрсатиш учун ишлайдиган шаҳар туристик индустрияси: жойлаштириш корхоналари; туристик транспорт; туристик фирмалар; кўргазмалар, сайр-томошаларнинг ўтказилишини ташкил этувчи фирмалар; туристик-ахборот марказлари; туризмни бошқариш бўйича давлат ва жамоат органлари;

2) туристларга ҳам, маҳаллий аҳолига ҳам хизмат кўрсатишда банд бўлган, шаҳар туристик инфратузилмасини ташкил этувчи иккиламчи корхоналар: оммавий ахборот воситалари; кредит институтлари; суғурта компаниялари; ўқув муассасалари; маданият муассасалари; тадқиқот марказлари ва бошқалар;

3) асосан маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсади билан ишловчи ва фаолияти натижалари туристлар томонидан талаб қилиниши мумкин бўлган учламчи корхоналар: жамоат йўловчи транспорти корхоналари; жамоат овқатланиш корхоналари; ҳордиқ ва сайр-томоша учун истеъмолчилик товарларини ишлаб чиқиш; дори-дармон индустрияси; маданий-маърифий муассасалар; аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқалар.

Туризм соҳасининг хизматларини тақлиф нуқтаи назаридан аниқлашга ёрдам берадиган халқаро таснифи СИКТА жадвалда кўрсатилган

1-жадвал

Туризм фаолият турларининг халқаро стандарт таснифи (СИКТА)

СИКТА бўлинмаси	Ишбилармонлик фаоллиги	Намуна (мисол)
1	2	3

қурилиш (бино, конструкциялар).	Т	меҳмонхоналар, рекреацион объектлар, қаролик қурилиши объектлари (терминаллар, транспорт объектлари ва ҳоказо) дам олиш учун мўлжалланган уйлар (дала ҳовли, иккинчи уйлар)
сўғиши ва чакана савдо	Қ Т	автомобилларни сотиш ва техник хизмат кўрсатиш; ёнилғи маҳсулотларни сотиш; озик-овқат маҳсулотлари чакана савдоси; халқ эҳтиёжи моллари чакана савдоси; туристик анжомлар ва йўл ашёлари чакана савдоси; совғалар ва сувенирлар чакана савдоси.

ДАВОМИ

меҳмонхоналар ва ресторанлар	Қ Т	тез хизмат кўрсатиш ресторанлари ва ветеринарийлар; ресторанлар, барлар, ошхоналар; меҳмонхоналар, кемпинглар ва бошқа мўлжалланган тижорат воситалари.
транспорт, сақлаш қўлқонлари, алоқа	Қ Т	ер усти транспорти, шундан т/й транспорти, сувда бўйсунмайдиган ва бўйсунмайдиган транспорт; сув транспорти, шундан денгиз ва ички сув транспорти; шаҳарлараро т/й транспорти; туристик хизмат кўрсатиш маҳсуоти т/й; маҳаллий туристик саёҳат учун узок қоғаларга қатновчи туристик автобуслар; круизга мўлжалланган кемалар; ҳаво йўллари транспорти.
қўлқончи воситачилик	Қ	пул даллолиги; ҳаётни суғурталаш;

	Т	кредит карталар; саёҳатни суғурталаш.
кўчмас мулк орқали қиладиган операциялар, савдо ва тижорат фаолияти	Қ	шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни сотиш ёки сотиб олиш; шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш; кўчмас мулк билан савдо қиладиган агентлик; тадқиқот қилиш; реклама фаолияти. туризмга тааллуқли шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни сотиш ёки сотиб олиш; туризмга тааллуқли шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш;
	Т	туристик характердаги кўчмас мулкни сўрашчи агентлик; чанғи ва бошқа туристик товарларни сўрашга бериш; туризм соҳасида изланиш; туризм соҳасидаги реклама фаолияти.

ДАВОМИ

Давлат бошқаруви	Қ	Давлат бошқаруви соҳаси фаолиятининг тўғрисида қўриқилишлари; божхона ва солиқ хизмати; савдо ва балиқчиликни бошқариш; жамоага хизмат турларини етказиб бериш; жамоатчилик тартиби ва хавфсизлик; туризм соҳасидаги бошқарув; ахборот бюроси; транспорт соҳасидаги хусусий фаолиятни бошқариш;
	Т	виза бериш ва консуллик ишлари.
Таълим	Қ	олий таълим; катталар учун таълим; ҳайдовчилик, сузиш ва елканли спортга таълим; меҳмонхона хўжалиги мактаблари; туризм соҳасининг ўқув дастурлари;
	Т	ҳордиқ чиқариш ташкилотлари бўйича таҳассислар тайёрлаш мактаблари; туристларнинг инструкторлари.
Шахс ҳиммати, коммунал, иқтисодий ва ходимлар		касбий ташкилотлар, касаба уюшмалар фаолияти;

зманти	<p>Қ</p> <p>Т</p>	<p>кино, радио ва телевидение соҳаси фаолияти;</p> <p>дам олишларни ташкил этиш (клублар, тубхоналар, музейлар, зоопарклар ва кассалар) соҳаси ва спорт фаолияти;</p> <p>туризмга кўмаклашувчи бюро ва агентликларни ташкил этиш;</p> <p>туристик клублар;</p> <p>сайёҳларга кўмаклашувчи жамият;</p> <p>туризм билан боғлиқ бўлган касбий ассоциациялар.</p>
экстерриториал ташкилот ва органлар	<p>Қ</p> <p>Т</p>	<p>экстерриториал ташкилот ва органлар (UNESCO, World Bank, IMF, ASEAN);</p> <p>халқаро туристик ташкилотлар.</p>

*Манба: ЮН WTO (1994 й.)

Қ – қисман туризм соҳасига жалб қилинганлар;

Т – тўла туризмга ихтисослашганлар.

Шаҳар туристик мажмуи асосини тегишли моддий-техник базага эга, аҳоли бандлигини таъминловчи ва шаҳар хўжалик мажмуининг деярли барча тармоқлари билан ўзаро таъсирда бўлган биринчи гуруҳ корхоналарини ўз ичига олган туристик индустрия ташкил этади. Туристик мажмуани шакллантиришнинг зарурий шарти туристик ресурслар мавжудлиги ва юқори сифати ҳисобланади. Йирик шаҳарнинг туристик ресурслари қуйидагиларни ўз ичига олади: буларга шаҳар иморатларининг тарихий қисми, кўрикхоналар, миллий боғлар, табиий заҳиралар, халқаро боғлар, маданий-томоша объектлари, музейлар, шу жумладан, туристик сафар чоғида инсон эҳтиёжларини қондира оладиган туристик жозибадор объектлар киради.

Замонавий иқтисодий шароитда туристик ривожланишнинг кенг доирадаги муаммоларини ҳал этишда режалаштиришнинг роли ўсиб бормоқда, бинобарин, барча ишлаб чиқиладиган режага ва башоратга оид ҳужжатларнинг асосланганлиги ҳамда мазмундорлигига ҳам талаблар ошмоқда.

Бошқарув, демак режалаштириш ҳам моддий бойликлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни амалга оширадиган хусусий тадбиркорлик сектори учун ҳам, яхлит ҳолда жамият ва унинг алоҳида тизимлари учун имманентли (ички ҳолатга хос)дир.

Тўғри, режалаштириш жамоавий-маъмурий иқтисодиётни кўрсатма тариқасидаги режалаштирилишдан жиддий фарқ қилиши ва индикатив хусусиятга эга бўлиши керак.

Ислохотлар даврдаги туристик режалаштиришнинг тўпланган бой тажрибасини таҳлил қилганимизда, шуни қайд этиш керакки, туризм соҳасини режалаштириш тарихий жиҳатдан Европада вужудга келди. XX асрнинг 60-йилларида Франция ва Буюк Британия давлатлари туризмни режалаштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича пионерлар қаторидан ўрин олди. XX асрнинг 60-йиллари охирида ва 70-йилларнинг бошида Канада туризм индустриясини режалаштириш ишлари бўйича олдинги ўринларга чиққан давлат ҳисобланди. Туризмни режалаштириш ҳамisha муайян географик ҳудудга боғлиқ бўлиб, бу ҳудудлар туристик фаолият учун қизиқиш уйғотиши ва туристик имкониятлар ҳамда ўзига хос хусусиятлар ва тавсияларга, туристик ресурсларга бой бўлмоғи керак. Туризмни режалаштириш туризмга боғлиқ бўлмаган ўзга ҳудудлардан алоҳида ажралиб туриши ва муайян туристик режаларни амалга ошириш, уларни назорат қилиш, бу ишларнинг келажагини башорат қилиш ёки ўзгаришини кўра билиш каби аниқ сиёсатни олиб бориш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Бунда юзага келган вазият ўзгаришининг муҳим сабаблари хўжалик юритишнинг ҳудудий механизмидаги туб ўзгаришлар, бошқарув турли даражаларининг ажралиб чиқиши, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳуқуқларининг кенгайиши ҳамда баъзи қонунларнинг қабул қилинишидан иборат бўлди. Охиргиси моҳиятан режалаштириш услубларининг бозор иқтисоди шароитида тутган ўрни ҳақида яқун ясади. Қонунда мамлакат минтақаларида башорат-таҳлилий хусусиятга эга бўлган тадқиқотларни ўтказиш, ҳудудни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини шакллантириш зарурати тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилган. Қонун андоза хусусиятига эга мамлакат, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат башоратлари ва дастурларининг мақсадлари ҳамда мазмунларини, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш умумий тартибини ҳам белгилайди. Ушбу ва бошқа бир қатор тармоққа оид

қонуний ҳужжатларнинг қабул қилиниши кун тартибига минтақавий миқёсда туризмни ривожлантириш режалари ва дастурларининг ишлаб чиқиши масаласини қўйди ва бу Ўзбекистон Республикаси субъектларида ривожланишнинг бир қатор ўз дастурларининг шаклланишига олиб келди.

Бунда барча мавжуд ҳужжатлар туризм соҳасида замонавий бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнини, рақобатбардош туристик мажмуани ривожлантириш учун асос яратди; иш ўринлари миқдорини ошириш, маданий ва табиий меросни асраб-авайлаш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш, экологик муҳитни соғломлаштириш, қўшимча сармояларни жалб этиш каби жараёнларни рағбатлантириш кўрсатиб ўтилди.

Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш режасининг бош вазифаси вилоят аҳолисини ҳам, унинг меҳмонларини ҳам туристик хизматлар билан таъминлаш ҳамда нафақат туристик инфратузилмани, балки вилоятнинг бутун хўжалигини солиқ тўловлари, хорижий валюта оқими, сармоялар жалб этиш ҳисобига маблағлар жалб этиш йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Самарқанд вилоятида туристик хизматларни ривожлантириш бўйича 2014-2015 йиллар даврида амалга ошириш чора-тадбирлар режаси

№	ратегияни амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддати	Тадбирлар мазмуни	Масъул ижрочилар
1. Туристик инфратузилмани ривожлантириш				
	Тўғриқут, Оҳалик ва Меронқул ҳудудларида туристик-рекреацион комплексларини яратиш (Тоғчанғили қалишларда туристик хизматлар)	2014й.	Самарқанд вилоятида “2011-2015 йилларда Тўғриқут, Оҳалик ва Меронқул ҳудудларини туристик-рекреацион ривожлантириш” қўсма қарор қилган дастурини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган тартибда таклифларни тайёрлаш ва амалга ошириш	“Самарқанд вилояти субъектуризм” МК вилоят ҳокимлиги, Самарқанд вилоят маҳкамани Самарқанд вилоят имликлари, Самарқанд вилоят вестор ва инкубаторий усий бизнескорлар

<p>йирик халқаро истик ва бошқа газмалардаги бекистон публикаси ъектлари ижро имиятини жалб ган ҳолда марқанд миллий нд билан тирокини гайтириш. газмалар бирлари доирасида и туристик алишларнинг марқанд димотларини кил этиш.</p>	<p>2014-2015й.</p>	<p>ндонда, Берлинда, Мадрид, Милан, Париж, синки, Познан, Токио, Пекин, Шанхай, лда ва истиқболли етакчи бозорлар бўлган ққа мамлакатлардаги кўргазмаларда ҳамда йилги энг йирик халқаро кўргазмаларда на миллий Самарқанд стенди экспозицияси иншоотини шакллантириш. Ўзбекистон публикаси субъектлари саъи-ҳаракатларини нтақавий туристик маҳсулотни халқаро газмаларда илгари суришда зофиклаштириш</p>	<p>“Субъектуризм” МК</p>
<p>туристик оримизда энг рик жаҳон туристик газмаларидан ини яратиш қсади билан илакатдаги моқли кўргазмавий олият уюшмасига маклашиш</p>	<p>2014-2015й.</p>	<p>марқандда туристик кўргазмалар ўтказишни истик бозорларни ривожлантириш учун арадорлигини ошириш мақсадида зофиклаштириш. Самарқандда ўтказиладиган йирик тармоққа оид халқаро кўргазмалар расидаги маълумотларни ОАВ, Интернет- урслар, халқаро ташкилотлар ҳамда махсус иялар ўтказиш воситасида тарқалишига маклашиш</p>	<p>“Субъектуризм” МК</p>

Туристтик режалаштиришнинг қайд этилган камчиликларига барҳам бериш бизнинг фикримизга кўра, туристик режалаштириш асосий жиҳатларининг дестинацияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни режалаштириш тизимига кўшилиши ҳамда унинг стратегик хусусиятининг кучайтирилиши натижасида амалга оширилади.

Туризм соҳасининг ҳудудий режалаштириш ва бошқариш тизимига кўшилишига келсак, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳозирги вақтда ҳудудлар, хусусан йирик шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни

режалаштириш илм-фанининг тамомила янги сиёсий-иқтисодий шаклланиши шароитда юз бермоқда ва бу ҳудудий режалаштиришнинг моҳиятига нисбатан турлича, аксарият қарама-қарши нуктаи назарлар, вазифа ва тамойиллар мавжудлигини, ягона методологиянинг йўқлигини юзага келтиради. Замонавий ҳудудий режалаштиришнинг моҳияти шаҳарнинг ваколатлари ва ижро ҳокимияти органларининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ислоҳот қилиш ҳамда ривожлантириш муаммолари мажмуини ҳал этишда тармоқлар ва маҳаллий манфаатлар мувозанатини таъминлаш мақсадида бошқарувнинг марказлаштирилган ибтидосини амалга ошириш бўйича фаолияти сифатида таърифланади²³. Бунда режалаштиришнинг моҳияти кўп сонли кўрсаткичларнинг ишлаб чиқиши ва ижрочиларга етказилишидан эмас, келгуси ривожланиш мақсадларини илмий аниқлаш ва уларга эришиш воситаларини қўллашдан иборат бўлади. Шунга боғлиқ ҳолда стратегик режалаштиришнинг роли янада ортиб бормоқда. Иқтисодий ва бошқа вазият ўзгаришининг замонавий суръатлари шу қадар тезки, стратегик режалаштириш келажакдаги муаммолар ва имкониятларни расман башорат қилиш, қарорлар қабул қилиш учун асос сифатида узоқ муддатга режани шакллантиришнинг энг яхши услуби бўлиб келмоқда. Ҳудудий стратегик режалаштиришнинг асосий вазифаси яхлит ҳолда ҳудудни ривожлантириш муаммосига нисбатан ҳудудни ривожлантиришнинг мақсадли мўлжалларини ишлаб чиқиш, уларга эришиш учун зарурий ресурсларни аниқлаш, ушбу ресурсларни сафарбар этиш ва улардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган сиёсатни шакллантиришдан иборат. Бунда стратегик режалаштириш нафақат тизим ривожланишининг асосий йўлини тавсифлашга, балки ташқи шарт-шароитнинг кутилмаган ўзгаришларини ҳисобга олиб, уни таҳрир қилишга имкон яратади.

Ҳозирги пайтдаги амалий тажриба туристик режалаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда жиддий илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда:

²³ Рохчин В.Е., Чекалин В.С. Региональное и муниципальное планирование. Часть 1. Региональное планирование. – СПб.: СПбГИЭА, 1995. – 175 с.

- стратегик режалаштиришнинг мажмуавий тармоқ сифатида туризмнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган ва замонавий иқтисодий вазиятга мос услубиятни ҳамда услубий воситаларни ишлаб чиқиш;
- туризм соҳасини режалаштириш жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий-иқтисодий ва кадрлар таъминотини такомиллаштириш;
- туризм соҳасини бошқариш органлари томонидан муносабатнинг ўзгартирилиши ягона ҳамжиҳат жамоанинг шаклланишини тақозо қилмоқда.

Шу тўғрисида туризм соҳасида стратегик режалаштириш жараёнининг илмий асосларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ҳозирги шароитда долзарб масалалардан бири ҳисоланади. Айниқса туризм дестинацияларида хизматларни ривожлантиришда муқобил стратегияларни танлаш ва режалаштириш жараёнининг муҳим босқичларидан бири бўлиб хизмат қилади.

3.2. Номавсумий паллада туристик талабларни режалаштириш

Туризмнинг асосий хусусиятларидан бири бу, унинг мавсумийлиги, яъни туристик талабларнинг маълум бир вақт мобайнида энг юқорилиги ҳисобланади. Бу тенденция нафақат худуд буйича, балки глобал характерга эга булганлиги учун уни туризм хизматларининг энг асосий жихатларидан бири сифатида қараш лозим бўлади, чунки бу масалага эътиборсизлик, туғри баҳо бермаслик туризм соҳасида маълум даражада салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шуни кайд этиш лозимки, мавсум буйича туристик талаблар тебраниши туризм инфратузилмаси кувватларига жуда хам тенг бўлмаган даражада таъсир килади, яъни маълум бир муддатда улардан фойдаланиш мутлақа тухтатилади, маълум бир муддатда эса хаддан ташкари ортиқча юкланиш билан фойдаланилади. Бу ўз навбатида меҳмонхоналар, транспорт воситалари, овқатланиш корхоналари ва бевосита бошқа туризмга боғлиқ бўлган шу каби фаолият турларига уз таъсирини утказмасдан куймайди.

Маҳаллий экспертлар томонидан мавсумийлик ҳар хил нуқтаи назардан аниқланади, айрим экспертларнинг айтишича мавсумийлик унинг хиллари, турлари буйича (масалан, тоғ-чанги спорти кишиги мавсумда, пляжларда дам олиш ёзги мавсумда, кишлоқ хужалик туризми кузги мавсумда, тарихий обидаларга сайрлар баҳорги мавсумларда) айримлари эса мавсумийлик туризм хизматлар бозорининг хусусиятларидан (масалан, айрим мамлакатлар иклим шароитларидан келиб чиққан ҳолда туристларни фақат баҳорда қабул қилиш имконияти мавжуд бўлса, бошқалари эса фақат кишда қабул қилишлари мумкин) келиб чиқади деб таъкидлашади. Ҳар қандай шароитда ҳам, ана шу хусусият ва турларни эътибордан четда қолдирмаслик зарур бўлади.

**Номавсумий паллада туристларни самарали жалб қилиш буйича маҳаллий
экспертларнинг фикрлари (%)**

Таклифлар	Ўй	авобсиз
Меҳмонхоналар ва транспорт хизматларида нархларни тушириш	11	11
Ўқатга сазовор жойларни қуришга, тарихий қадимий музейларга қуришга бўлган нархларни	23	13

слашувчанлигини таъминлаш			
ги шаклга, турга эга булган хизматларни ташкил этиш		23	1
шка худудларда бўлмаган янги туристик зоналарни ташкил этиш		30	11

Юкоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, ҳамма экспертлар ҳам янги туристик зоналарни ташкил этишни қўллаб қувватламаганлар, чунки бу ҳаракатлар бир томондан маълум бир молиявий инвестициялар талаб қилса, иккинчи томондан эса бу янги хизмат турларига турмахсулот истеъмолчиларини жалб қилиш осон кечмайди.

Жойлаштириш ва ташиш хизматлари ҳисобидан турмахсулот нархларини тушириш имконияти ҳар доим ҳам булавермайди. Масалан, номавсумий пайтда, яъни қишки масвумда электрэнергияга, хонани иситиш хизматларига, коммунал хизматларига бўлган тарифлар ўсиб боради. Шунинг учун ҳам айрим экспертлар буни мақуллашмаган, лекин диққатга сазовор жойларни қуришга, тарихий-маданий музейларга қиришга, ҳар хил фестиваллар, карнаваллар ва халқ байрамларини тамошо қилишга махсус чегирмалар берилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда турмахсулотларни, келадиган туристларнинг ёшига ёки бошқа категорияларига қараб йуналтириш бўйича экспертлар қуйидаги фикрларга эгадирлар, 56% экспертларнинг фикрича ёши катта турустларни қупрок номавсумий пайтда жалб қилиш кераклигини таъкидлашган бўлсалар, 34% и эса бу фикрга қарши бўлган, чунки уларнинг таъкидлашича бизнинг худудимизга ташриф буюрувчиларнинг аксарият қисми 50 ёшдан ошганлиги сабабли бу фикр ғояларга ҳеч қандай ўрин йуклигини айтишган.

Бизнинг фикримизча, туризм хизматлар бозорида турмахсулотларни самарали амалга ошириш учун биринчи навбатда унинг имиджи катта аҳамиятга эга. Турмахсулот имиджига таъсир қилувчи омиллар эса қуйидагилар бўлиши мумкин: мураккаб экологик шароитлар, сиёсий вазиятлар, аҳоли уртасидаги тили, дини, миллати бўйича зиддиятлар, паст даражадаги хизмат турлари, қизиқ

булмаган архитектура курилишлар ва шу кабилар. Умумийлаштириб бу омилларни иктисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, жисмоний (физик), инфратузилмавий омилларга бўлиш мумкин.

Турмахсулот имиджига таъсир этувчи омиллар

Сиёсий	мамлакатда нотинчликлар криминал вазиятлар давлат органлари томонидан хаддан ташкари воратлар
Физик (жисмоний)	турбазалар ва шу каби жойларда тозалик ва санитария- гиена юкорилиги турмарказларда туристлар сонининг хаддан ташкари ли булмаслиги табиат, атроф- мухит ва шаҳар ландшафтнинг узига либ килиш хусусияти
Иктисодий	курсатиладиган хизматларнинг сифат ва охларининг узаро мослиги
Ижтимоий- маданий	махаллий жамиятнинг узига хос хусусияти ва данияти махаллий санъат, хунармандчилик ва урф- адумларнинг узига хослиги махаллий аҳолининг ахиллиги
Инфратузилма	коммунал хизматлари стандартларининг мувофиқлиги транспорт хизматлари стандартларининг мувофиқлиги бошка турдаги объектлар ва хизматларнинг мувофиқлиги

Умуман, туризм индустриясида энг катта ўз таъсирини утказадиган омиллардан бу унинг мавсумийлиги хисобланади. Хусусан, мавсум бўлмаган пайтда туристик талаблар оқимлари тебранишининг турғун булиш ечимларига куйидагиларни киритиш лозим:

- ёшларбоб тадбирлар, рок-концертлар, уларга хос фестиваллар утказилиши;
- диний туризмга купрок эътибор берилиши, чунки бунда мавсум деган тушунча кам ахамиятга эга булади;
- маълум бир сохалар буйича олимлар ва экспертлар учун илмий анжуманлар, илмий тадбирлар ташкил этилиши;
- театрни, санъатни, фольклёрни хуш курувчиларга махсус тадбирларни, яъни миллий чолгу асбоблар буйича конкурслар, картина кургазмалари, театр фестиваллар, «Наврўз» сайилларини ташкил этишлишидир.

3.3. Турли мамлакатларда туристнинг соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари

Соғлиққа таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларга алоҳида эътибор бериш талаб этиладиган мамлакатларнинг қисқача жуғрофий тавсифини келтирамиз.

Кения. Малярия – Ҳинд океани ва /арбий Кения худудида тарқалган касаллик. Мамлакатга чиқишдан бир ҳафта олдин профилактика тадбирини ўтказиш, уни бутун саёҳат даврида ва саёҳатдан қайтгандан кейин олти ҳафтагача давом эттириш керак. Малярияга қарши ва бошқа дориларни дорихоналар ва

супермаркетлардан харид қилиш мумкин. Катта шаҳарларда замонавий касалхоналар бор, мамлакат пойтахти - Найроби жуда яхши тиббий имкониятларга эга.

Мисрда водопровод сувини қайнатмай ёки стерилизация қилмай ичиш мумкин эмас. Ичимлик суви шаҳарда сотилади. Меҳмонхона номерида ёки маршрутда сувни қайнатиш учун уйдан сув қайнатгич ёки электр чойнак олиб олиш керак. Мисрда фақат қайнатилган сувни ичиш мумкинлигини ҳамиша ёдда тутиш керак. Агар туристлар бу қоидага риоя қилмаётган бўлсалар, турлидернинг йўл аптекасида ичак касалликларига қарши дори-дармонлар, сувни стерилизация қилиш учун таблеткалар бўлиши зарур. Экспертлар «А» гепатитига қарши эмланишни тавсия этадилар.

Айни вақтда, асосий гигиена талабларига риоя этилмаган ҳолларда касалланиш эҳтимоли жуда катта, шу боис турист ҳамиша санитария қоидаларига риоя этишга ҳаракат қилиши лозим. Мисрда иқлим жуда иссиқ бўлгани учун сафарга табиий ипак, ип газлама, енгил жун матолардан тикилган кийимларни олиб кетиш керак. Терини офтоб уришига қарши крем ҳам зарар қилмайди.

Непал қироллиги. Ҳар қандай сувга, ҳатто меҳмонхоналардаги водопровод сувига ҳам, тоғлардаги булоқ сувларига ҳам ифлов сув деб қараш лозим. Ичиш ва тиш ювиш учун ишлов берилган ёки тозаланиб елим идишларга қуйилган сувдан фойдаланиш керак. Беш юлдузли меҳмонхоналар ва ресторанларда тақдим этиладиган ичимлик суви ва музни озми-кўпми хавфсиз деб ҳисоблаш мумкин. Таниқли савдо маркалари билан тикини муҳрланган идишларда сотиладиган сувларни ичиш рухсат этилади. Бутун кун мобайнида сайрга чиққанда турист ўзи билан идишда текширилган сув олиб олгани маъқул. Бутилкалардаги спиртли ичимликлар, пиво ва ликёр ҳам хавфсиз; лекин маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқилган ликёрларни ичмаган маъқул. «Жанд» ёки «чанг» деб аталадиган Непал пивосини ичиш ҳам анча хавфли, чунки у қайнатилмаган сувдан тайёрланади.

Бразилия. «В» гепатити билан касалланиш хавфи анча катта. Мамлакатга сафар қилишдан олдин «А» ва «В» гепатити ҳамда малярия, сариқ безгакка қарши

эмланиш тавсия этилади. Бундан ташқари, таносил касалликлари билан зарарланиш хавфи ҳам жуда катта. Амазония тропик касалликлар кони хисобланади. Бу ерда репеллентлардан фойдаланиш зарур. Экспертларнинг айтишча, водопровод сувини ичиш мумкин эмас. қуёшдан химоя қиладиган крем асқотиши мумкин.

Вьетнам. Водопровод сувини ичиш тавсия этилмайди. Лекин сайрга чиққанда ўзи билан бир шиша маъданли сув олиб олиш зарур – бу организмни сувсизланишдан асрайди. Йирик шаҳарларда ҳамда Сайгон, Ханой, Нья-Чанг ва Да-Нанг меҳмонхоналарида чўчимасдан муз билан ичимликлар буюртма қилиш мумкин, чунки муз гигиена қоидаларига мувофиқ тайёрланади. кишлоқларда муз билан ичимлик буюртма қилмаган маъқул, чунки муз бу ерда дарё сувидан тайёрланган бўлиши мумкин.

Индонезияга сафар чиқишдан олдин «А» ва «В» гепатити ҳамда сариқ безгакка қарши эмланиш тавсия этилади. Идишларда сотиладиган ичимлик сувини истеъмол қилган маъқул.

Канар оролларида сафар қилишдан олдин «А» гепатитига қарши эмланиш тавсия этилади.

Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга айрим мисоллар. Туристтик саноат корхоналарида биринчи ёрдам кўрсатиш малакасига эга бўлган ходим алоҳида қимматга эга, чунки у мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. Зарур ҳолларда сунъий нафас олдириш ҳамда биринчи ёрдам кўрсатишнинг бошқа тартиб-таомилларини билиш туристик сафарларда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай вазиятда қуйидаги қоидаларга риоя этиш:

- вазиятни баҳолаш ва зарур биринчи ёрдамни кўрсатиш;
- мутахассисларни ёрдамга чақириш, уларга ҳодиса тафсилотларини тушунтириш;
- ҳодиса рўй берган жойда бошқа хавф-хатарлар бор-йўқлигини аниқлаш;
- фавқулодда зарурат бўлмаган ҳолларда ҳодисадан жабр кўрган шахсни жойидан қўзғатмаслик керак.

Туристтик саноат корхоналарининг тажрибали, айниқса, биринчи ёрдам кўрсатиш малакасига эга бўлган ходимлари жуда кўп одамларнинг ҳаётини сақлаб қолганлар. Лекин бундай малакага эга бўлмаган ходимлар ҳам вазиятга қараб тўғри иш тутган ҳолларда янги хавф-хатарларнинг олдини олишлари мумкин.

Туристтик саноат корхоналарининг тажрибали ходимлари уларнинг ишида энг муҳими миқозлар хавфсизлигини таъминлаш эканлигини қайд этадилар. Фавқулодда ҳолатлар жуда кам содир бўлишига қарамай, улар бутун корхонанинг обрўсига жиддий путур етказиши мумкин. Ушбу бобда биз туризмда хавфсизликнинг асосий масалаларини кўриб чиқдик, шунингдек туристлар хавфсизлигини таъминлашнинг айрим муҳим тартиб-таомиллари ва чора-тадбирлари тўғрисида сўз юритдик. Туристларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳар қандай вазиятда ўзларини тута билишлари керак. Шунингдек улар зарур ҳолда фавқулодда ҳодисанинг ёки бошқа хавфли вазиятнинг олдини ўз вақтида олишга тайёр бўлишлари лозим.

Иссиқ иқлимли мамлакатларда тиббий хавфсизлик

Африка, Жанубий ва Шарқий Осиё, Лотин Америкаси сингари минтақаларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудида учрамайдиган паразитар ва юқумли касалликлар ҳам, бутун ер юзиде тарқалган касалликлар ҳам учрайди. Иссиқ иқлим ўзбекистонликлар учун таниш эканлигига қарамай, бир экваторли мамлакатларнинг атмосфера босими, қуёш радиацияси, температураси, намлиги ва бошқа кўрсаткичларида тафовутлар мавжудлигини, улар инсоннинг соғлиғига салбий кўрсатиши мумкинлигини ёдда тутиш керак.

Нотаниш табиий иқлим организмга ноҳўя таъсир кўрсатиши, кўп тер ажралиши, уйқу, иштаҳа ва асабнинг бузилишига ҳамда бошқа ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, иссиқ иқлим ва баланд атмосфера босими юрак-қон томир ҳамда ўпка касалликларининг қўзғалишига олиб келади. Шунинг учун иссиқ иқлимли мамлакатларда чиқишдан олдин хавфсизлик

мақсадларида тиббий кўриқдан ўтиш тавсия этилади. қатъий белгиланган вақтда маълум тиббий препаратларни, масалан, инсулин, ҳомиладорликка қарши таблеткалар ва ҳ.к.ни қабул қилувчи шахслар махсус врач маслаҳатини олишлари лозим. Ҳомиладор аёлларга ҳамда 10 ёшга тўлмаган болаларга бундай мамлакатларга сафар қилиш тавсия этилмайди.

Малярия - иссиқ иқлимли мамлакатларда кенг тарқалган энг хавфли касаллик. У чивин чақиши натижасида ўтади. Сўнгги йилларда «малярияли» мамлакатларда бўлиш натижасида касалланган одамлар сони МДҲ мамлакатларида анча кўпайди. Касалликнинг бевақт аниқланиши ва нотўғри даволаниши натижасида вафот этганлар ҳам бор. Одамлар кўпинча касаллик сабаби ва унинг олдини олиш йўллари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Бу муносабат билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маляриянинг олдини олишга йўналтирилган бир қанча қоидаларни ишлаб чиқди. Малярия билан касалланиш хавфи мавжуд мамлакатга кетаётган турист қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириши лозим:

- ўз врачига ёки тегишли муассасага мурожаат этиб, малакали маслаҳат олиш. Тўғри, турфирма эпидемиологик вазият тўғрисида туристга ахборот бериши шарт, лекин туристнинг ўзи ҳам мазкур мамлакатда малярия билан касалланиш хавфи бор-йўқлигини суриштириб билиши лозим. Агар бундай хавф мавжуд бўлса, врачдан малярияга қарши қандай дори олиш, уни қандай қабул қилиш ва унинг мумкин бўлган ножўя таъсирлари ҳақида маслаҳат олиш керак;

- дорини белгиланган дозада қабул қилиш ва хавфли зонадан қайтиб келгандан кейин 4 ҳафта мобайнида дорини қабул қилишни давом эттириш;

- малярия тарқалган жойда дераза ва ойналарига тўр тортилган хонада ухлаш. Бундан ташқари, кеч тушгандан то тонг отгунга қадар шундай кийиниш керакки, қўл ва оёқлар очик қолмасин. Тананинг очик жойларига репеллент билан ишлов бериш лозим;

- касалликнинг аломатларини ёдда тутиш. кўкқисдан безгак, бош оғриғи, бўғинларда оғриқ турган, кўнгил айнаган ёки ич кетган ҳолларда гуруҳни кузатиб бораётган турлидер ёки туристнинг ўзи зудлик билан тиббий ёрдам

сўраб мурожаат этиши зарур. Турист қаерларда бўлгани ҳақида врачга ахборот бериш лозим. Дарвоқе, малярия турист саёҳатдан қайтиб келганидан кейин, ҳатто у малярияга қарши дорилар қабул қилган бўлса ҳам, орадан ҳатто бир йил ўтиб ривожланиши мумкин;

- малярия касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлганидан кейин 48 соат ичида ўлимга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Ҳашаротлар тропик ва субтропик иқлимли айрим мамлакатларда тарқалган бошқа касалликлар – лейшманиоз, филяриатоз, трипаносомоз, геморрагик безгак, сариқ безгак, энцефалит ва бошқа касалликларнинг тарқатувчилари бўлиши ҳам мумкин. Профессор А. Бронштейн ва Н. Малишевнинг қайд этишича¹, иситма, бош оғриши, тери рангининг ўзгариши, тошма тошиши, жинсий аъзоларнинг кўкариши, терига яра чиқиши мазкур касалликларнинг асосий аломатларидир. Дераза ва эшикларга тўр тортиш, репеллентлардан фойдаланиш, танада очик жой қолдирмай кийиниш орқали чивин чақишининг олдини олиш мумкин. Кондиционер ўрнатилган, ҳашарот ва илонлардан ҳимояланган хоналарда ухлаган маъқул.

Турли паразитар ва юқумли касалликлар сувдан ва озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳам юқиши мумкин. Фақат қайнатилган сувни ёки бутилкалардан ичимликларни ичиш мумкин. Лекин муз ишлатмаслик керак, чунки у қайнатилмаган сувдан тайёрланган бўлиши мумкин. Гўшт, балиқ, қисқичбақа ва моллюскларни фақат яхши пиширилган ҳолда истеъмол қилиш керак. Иссиқ иқлимли мамлакатларда таркибида хом маҳсулотлар (шу жумладан мева ва сабзавотлар) бўлган овқатларни, шунингдек таркибига сут ва хом тухум кириши мумкин бўлган маҳсулотлар (жумладан, музқаймоқ, «майонез» соуси ва б.)ни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Фақат қалин пўстли мевалар: банан, олма, апельсин, папайя, манго, авокадо, гуайявани пўстини шахсан артиб хом ҳолда истеъмол қилиш мумкин. Пўсти артилган меваларни харид қилиш мумкин эмас.

¹ www.palomnik.ru.

Чучук сувли сув ҳавзаларида чўмилиш ва оёқяланг юришда эҳтиёт бўлиш керак, чунки айрим сув ҳавзаларида ва тупрок участкаларида тери орқали кирувчи паразитлар бўлиши мумкин. Денгиз сувида чўмилиш одатда хавфли эмас. Шунга қарамай, турист чўмилиш хавфсиз жойни аниқлаб билиши лозим, чунки айрим медузалар, денгиз кирпилари, заҳарли балиқлар ва бошқа денгиз ҳайвонлари билан тўқнашиш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун чўмилишда ва денгиз ёқасида юришда махсус пойафзалда бўлиш тавсия этилади.

Тропик ва субтропик иқлимли ривожланаётган мамлакатларда бўлиш вақтида туристлар кўпинча жинсий йўл билан юқадиган касалликлар – сўзак, захм, хламидиоз, генитал герпес, В гепатити касалликларини ҳам юқтирадилар. Бу мамлакатларда ОИТС касаллиги ҳам кенг тарқалган. Бундай касалликларнинг олдини олишнинг ягона усули эркаклар ёки аёллар презервативидан тўғри фойдаланишдир.

Иссиқ иқлим организмнинг қизиқ кетиши, сувсизланиши, офтоб уришига олиб келиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун кундузи минимал жисмоний фаоллик, етарли миқдорда (3 литр ва ундан кўпроқ) суюқлик ичиш, енгил ва кенг, вентиляция учун тешиқлари бўлган кийим, бош кийими кийиш, кўзни офтобдан ҳимоялаш учун махсус кўзойнак тақиш тавсия этилади.

Сариқ безгак тарқалган минтақаларга (Африка ва Жанубий Америкадаги айрим мамлакатларга) сафар қилувчи туристлар мазкур касалликка, шунингдек бу мамлакатларда тарқалган бошқа касалликларга қарши эмланган бўлишлари шарт. Сафардан қайтгандан кейин қўзғалган ҳар қандай касаллик юзасидан дарҳол врачга мурожаат этиш, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш учун иссиқ иқлимли мамлакатда бўлиш тафсилотлари ҳақида врачга сўзлаб бериш керак. Касалликнинг илк аломатлари иссиқ иқлимли мамлакатга ташриф буюргандан кейин орадан бир неча кун ўтгач, шунингдек мазкур мамлакатдан қайтиб келгандан кейин бир неча кун, ой ва ҳатто йил ўтганидан кейин намоён бўлиши мумкинлигини ёдда тутиш зарур.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдириш имконини берди:

1. Ишда режани амалга оширишнинг узвий таркибий қисми унинг қуйидаги йўналишлар бўйича бажарилишини назорат қилиб бориш аниқланди: туристик келишлар сони ва хусусияти; туристларнинг қониққанлик даражаси; туризмнинг ҳам умумий, ҳам алоҳида аниқ лойиҳаларга нисбатан иқтисодий, экологик ва ижтимоий-маданий таъсири. Бунда режадаги тадбирларни амалга ошириш муддатларига қатъий амал қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, туризмнинг барқарор ривожланиши учун режаларда ишлаб чиқилган тадбирларни аниқ бажариш ва ушбу жараёни самарали бошқариш талаб этилади.

2. Истиқболли ва стратегик режалаштириш доирасида мақсад ва вазифалар белгилаб олинади, ривожлантиришнинг мақбулроқ моделлари ва бошқа тадбирлар шакллантирилади чизмада ифодаланган.

3. Туризм соҳасини ривожлантириш режаларини кўриб чиқишнинг усулларида бири жамоатчилик фикрини эшитишдир. Бу аҳолига режалаштирилаётган чоралар ҳақида билиш ва ўз фикрини билдиришга имкон беради. Шунингдек, махсус семинарлар ўтказиш орқали турли босқичларда режалар лойиҳалари билан танишиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу семинарлар иштирокчилари туризмни ривожлантириш ва унинг мамлакат, минтақа, туман иқтисодиётига таъсири тўғрисида ахборот оладилар. Бунда оммавий ахборот воситалари кенг жалб қилинади.

Хулоса қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитларида туризм соҳасини ривожлантиришни режалаштириш мажбурий жараён экан. У туризмнинг турли даражалардаги ривожланиш хусусиятлари, фаолияти ва иқтисодий самарадорлиги, унинг мамлакат иқтисодига қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда ноишлаб чиқариш соҳасида режалаштиришнинг назарий концепциялари, методологик асослари ва принципларига таяниши керак бўлади.

4.«Туризм тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда туризм соҳасини режалаштириш бўйича ишда асосий йўналишлар ҳисобга олинган.

Туристлик тармоқни режалаштириш жараёни ривожлантириш суръатларини 2016 йилга бориб хорижий туристларни қабул қилишни икки мартага оширишни назарда тутди. Мамлакатимиз туристлари, шунингдек экскурсантлар сони уч мартага кўпайиши керак бўлади. Ўзгарувчан давлат солиқ сиёсатини ўтказиш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш мамлакат бюджетига тушумларнинг икки баробар кўпайишига имкон беради.

Туристлик фаолиятни шундай режалаштириш керакки ананавий қадриятларни хунармандчиликни, маданият ва фольклорни сақлаб қолиб ва унинг ривожланишини таъминлаш бирга, уни бирлашиб кетишига ва стандартлаштиришга йўл қўймаслик керак.

5.Бизнингча, шаҳарда туризмни ривожлантириш мақсад ва вазифаларининг мажмуасини шакллантиришда муаммоли – йўналтирилган ёндашув ишланмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Муаммоли ёндашув ҳудудий ривожланишни режалаштиришда, хусусан, ҳудудий ривожланиш мақсад ва вазифаларини қўйиш билан боғлиқ бўлган ҳамда олимлар ишларида ўз аксини топган²⁴ масалаларни ҳал қилишда янгилик ҳисобланмайди. Агар муаммо аниқлаб олинган бўлса, уни қисман ечилган деб ҳисоблаш мумкин, деган фикр мавжуд. Ҳудудий тизимни ривожлантириш мақсадларини аниқлашдаги муаммоларни таҳлил қилишнинг илму-фанимиз ва амалиётимизда ишлаб чиққилган тажриба туризмда мақсадни аниқлаш жараёнида муаммоли ёндашув унсурларини ишлаб чиқишга эътиборни жамлаш имконини беради.

6.Эксперт баҳолаш услубидан башорат қилиш ва истиқболли режалаштиришда кенг фойдаланилади. Самарқанд шаҳри туристик фирмаларида хорижий кировчи туризм бўйича ўтказилган сўров натижалари Самарқанд

²⁴ Рохчин В.Е., Филлипов А.И. Социально-экономическое развитие муниципальных образований. Методология разработки концепции и механизм ее реализации. – СПб.: ИСЭП РАН, 1996. – 117 с.

шаҳрининг стратегик режасига киритиш учун муҳим муаммоларни аниқлаш доирасида **эксперт-мутахассислар усулини** қўллаш жараёнида ишлатилди. Бу ўринда эксперт-мутахассислар сифатида хорижий кирувчи туризмни ташкил этиш билан шуғулланувчи шаҳарнинг етакчи туристик фирма раҳбарлари катнашишди.

Эксперт-мутахассисларнинг тадқиқот мақсади қилиб, Самарқанд шаҳрига кирувчи туризмни ривожлантиришнинг дастлабки муаммоларини аниқлаш ва соҳага оид белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш масаласи олинди. Тадқиқотнинг вазифалари қилиб, туристлар етказиб берувчи мамлакатлар орасида етакчиларини аниқлаш ва Ўзбекистонга туристлар кириши билан боғлиқ дастлабки муаммоларни шаҳар туристик мажмуининг алоҳида соҳалари бўйича белгилаб олиш танланди.

Сўров бевосита кирувчи туризмга ихтисослашган, кирувчи туризм соҳасида 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган Самарқанд шаҳрининг йирик туристик фирмаларида ўтказилди. Танлаб олиш учун жами 30 та туристик фирмалардан 17 таси танлаб олинди ва уларда сўровнома варақасидан (1-илова) фойдаланилган ҳолда сўров ўтказилди.

Эксперт-мутахассислар томонидан ўтказилган сўров натижалари ишда диаграммалар ҳолатида кўрсатилган:

7. Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш режасининг бош вазифаси вилоят аҳолисини ҳам, унинг меҳмонларини ҳам туристик хизматлар билан таъминлаш ҳамда нафақат туристик инфратузилмани, балки вилоятнинг бутун хўжалигини солиқ тўловлари, хорижий валюта оқими, сармоялар жалб этиш ҳисобига маблағлар жалб этиш йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Ҳозирги пайтдаги амалий тажриба туристик режалаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда жиддий илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда:

- стратегик режалаштиришнинг мажмуавий тармоқ сифатида туризмнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган ва замонавий иқтисодий вазиятга мос услубиятни ҳамда услубий воситаларни ишлаб чиқиш;

- туризм соҳасини режалаштириш жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий-иқтисодий ва кадрлар таъминотини такомиллаштириш;

- туризм соҳасини бошқариш органлари томонидан муносабатнинг ўзгартирилиши ягона ҳамжиҳат жамоанинг шаклланишини тақозо қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни. – Т.: 1999 йил, 20 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

органлари тўғрисида»ги қонуни. – Т.: 1999 йил, 14 апрель.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. – Т.: 1998 йил, 24 декабр.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

1. «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги ПФ-480-сонли фармони.
2. ««Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 октябр 484-сонли қарори.
3. «Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги ПФ-1162-сонли қарори.
4. «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли қарори.
5. «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”. 2009. – 46 б.
3. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 27 январ.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 30 январ.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепцияси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 13 ноябр.
6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // ”Халқ сўзи”, 2011 йил, 22 январь.
7. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тарраққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // ”Халқ сўзи”, 2012 йил, 20 январь.

4. КИТОБ ВА ТУРКУМ НАШРЛАРИ

1. Абдуллаева Т., Тухлиев Н. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Т.: Гос. науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 414 с.
2. Агзамов С., Ташмуратов Т. Менеджмент международного туризма – Т.: ТашГУ, 1996. – 98 с.
3. Азар В.И., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка. – М.: ИПКГ, 1998. – 239 с.

4. Богданов Е.И. Планирование на предприятии туризма .СПб.: Изд.д. «Бизнес- пресс» .2005.
5. Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма – М.: Академия. 2005. – 119 с.
6. Bryden J. Tourism and development. N.Y.; L., 1998.
7. Гаагская декларация по туризму. Материалы межпарламентской конференции по туризму. Гаага (Нидерланды), 10-14 апреля 1989 г.
8. Горбунов А.А. Управление развитием городских социально-экономических систем – СПб, : ИСЭП РАН, 1996. – 232 с.
9. Национальное и региональное планирование туризма, Всемирная Туристская Организация, Мадрид, 1994.
10. Национальное и региональное планирование туризма, Всемирная Туристская Организация, Мадрид, 2003.
11. Петров А.Н. Стратегическое планирование развития предприятия: Уч. пособие. – СПб.: СПбГУЭиФ, 1994. – 106 с.
12. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 367 с.
13. Тухлиев И.С., Бектемиров А.Б., Усманова З.И.. Туризмда стратегик маркетинг. Ўқув кўлланма. – С.: СамИСИ, 2010. – 144 б.
14. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув кўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – С.: СамИСИ, 2010. – 284 б.
15. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти. 2010. – 238 б.
16. Тухлиев И.С., Пардаев М.Қ. Туризм бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари. – Т.: “NOSHIRLIK YOG’DUSI”, 2010. – 74 б.

17. Юреев А.П. Планирование туризма. Учебное пособие. Донецк – 2003.

5. ДИССЕРТАЦИЯ ВА ДИССЕРТАЦИЯЛАР АВТОРЕФЕРАТИ

1. Сафаров Б.Ш. Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди дис. – С.: СамИСИ, 2011. – 150 б.
2. Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари ном.диссертация. СамИСИ, 2012.
3. Гольшева Е.В. Развитие сферы туризма Республики Узбекистан в период финансово-экономического кризиса // Актуальные проблемы туризма-2010, – Ташкент, 2010. - № 2. - С.5-9.

Интернет сайтлари:

1. www.uzbekturizm.uz
2. <http://lex.uz/uz/doc/act2008-07.html>
3. http://www.hotelline.ru/technology_article.php?news
4. <http://www.tourism.uz>
5. <http://www.tour.uz>
6. <http://www.uzdaily.uz/articles-id-17586.htm>
7. <http://samarkandtourism.uz/?p=248>
8. <http://www.un.org>

Иловалар

1-ИЛОВА

Самарқанд шаҳри туристлик фирмалари раҳбарлари орасида хорижий кирувчи туризмни ташкил этишда шаҳар туристлик мажмуаси тармоқлари орасидаги ўзаро ҳамкорлик муаммоларини аниқлаш бўйича ўтказилган сўровнома

1. Фирма номи _____

2. Фирмангиз қайси мамлакатлардан туристлар қабул қилади:

Германия:	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>
Франция:	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>
Буюк Британия:	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>
АҚШ:	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>
Ж.Корея	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>
Хитой:	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>
МДҲ:	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>
Бошқалар:	100% туристлар <input type="checkbox"/>	70% юқори <input type="checkbox"/>	50% яқин <input type="checkbox"/>	20% яқин <input type="checkbox"/>	15% камроқ <input type="checkbox"/>

3. Фирмангиз бу йилда қайси мамлакатлардан туристлар қабул қилишни режалаштирган:

Германия Франция Британия АҚШ Ж.Корея Хитой Скандинавия МДҲ

бошқалар _____

4. Туризмнинг қайси аниқ турига фирмангиз ихтисослашган:

Маърифий Хизмат Конгрессли Илмий Спорт

Даволаниш «Экотуризм» Талабалар Болалар

бошқа турлар _____

5. Фирмангиз йилнинг қайси вақтида энг кўп сайёҳ қабул қилади:

Ёз: 100% туристлар 70% юқори 50% яқин 20% яқин 15% камроқ

Қиш: 100% туристлар 70% юқори 50% яқин 20% яқин 15% камроқ
Куз: 100% туристлар 70% юқори 50% яқин 20% яқин 15% камроқ
Баҳор: 100% туристлар 70% юқори 50% яқин 20% яқин 15% камроқ

6. Ўзбекистонга туристлар кириб келишида фирма қандай муаммоларга дуч келади:

Виза расмиятчиликлари божхона назорати аэропорт (вокзал)нинг ўтказиш қобилияти

бошқа турлар _____

7. Туристларингиз асосан транспортнинг қайси турларидан кўпроқ фойдаланишади:

Авиакомпания Темир йўл Автобуслар Автомобиллар Бошқа транспортлар

8. Транспорт компаниялари билан ҳамкорлик қилишда қандай муаммоларга дуч келасиз:

авиа: жой брон қилиш Учиш вақти Қатновлар номунтазамлиги Чипталар нархи

т/й.: жой брон қилиш келиш./кейтиш вақти Поездларда хизмат сервиси Чипталар нархи

автобус: жой брон қилиш жўнатиш/келиш вақти Чипталар нархи

бошқа турлар _____

9. Фирмангиз туристларни қайси тоифадаги меҳмонхоналарга жойлаштиради:

***** **** *** паст тарифда хусусий сектор (квартиралар)

10. Шаҳар меҳмонхоналари билан ҳамкорликда қандай муаммоларга дуч келинади:

шартнома жой брон қилиш аризани тасдиқлашга бериш муддати
шартлари

тариф сиёсати расмиятчиликка риоя қилиш ички жиҳозлар эскириши хизмат

11. Фирмангиз туристларни овқатланишини қаерларда ташкил қилади:

Меҳмонхонада Шаҳар ресторанларида

12. Музейлар билан ҳамкорликда қандай муаммоларга дуч келинади:

нарядлар ариза бериш муддати нархлар сиёсати музейлар қабул қилиш
бўйртмаси (миллий/хорижликлар) имконияти

экскурсион автомобил тўхташ жойи иш тартиби
хизмат

СЎРОВНОМАНИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!